

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР НОМИДАГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
УМУМИЙ ТАРИХ КАФЕДРАСИ

Қўлёзма ҳуқуқида

ГУЛҲАЁ МАННОПОВА
ЛЕОНАРДО ДА ВИНЧИ
ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ

5220200 – “Тарих” (минтақалар ва мамлакатлар бўйича) таълим
йўналиши бўйича бакалавр академик даражасини олиш учун ёзилган

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШ

иш раҳбари: катта ўқитувчи Б. Абдуллаев

Андижон – 2013 йил

М У Н Д А Р И Ж А

1. Кириш	3
2. Италияда уйғониш даври ва унинг Леонардо да Винчи фаолиятига таъсири	12
3. Леонардо да Винчининг ҳаёти ва ижодий фаолияти	29
4. Леонардо да Винчи - Уйғониш даври маданиятининг энг буюк арбоби	37
5. Хулоса	45
6. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	50
7. Иловалар	52

Кириш

*Фан - бу лашкарбоши, қўмондон бўлса,
амалиёт эса аскар, солдатдир.*

Леонардо да Винчи

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг жамият ижтимоий сиёсий ҳаётининг барча жабҳаларида кенг ўзгаришлар даври бошланди. Бу жараён интеллектуал соҳани ҳам қамраб олди. Натижада энг асосий ижтимоий гуманитар фан ҳисобланган тарих фани олдига ҳал этилиши лозим бўлган долзарб муаммоларни кўндаланг қилиб қўйди.

Ҳозир Ўзбекистон деб аталувчи ҳудуд яъни бизнинг Ватанимиз нафақат Шарқ балки умумжаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганлигини бутун жаҳон тан олмоқда. Бу қадимий тупроқдан буюк алломалар, фозилу фузалолар, олиму уламолар, сиёсатчилар саркардалар етишиб чиққан. Диний ва дунёвий илмларнинг асослари мана шу заминда яратилган сайкал топган. Эрамизгача ва ундан кейин қурилган мураккаб сув иншоотлари шу кунгача кўрку фойзани маҳобатини йўқотмаган асори атиқаларимиз қадим-қадимдан юртимизда деҳқончилик ҳунармандчилик маданияти, меъморчилик ва шаҳарсозлик санъати юксак бўлганлигидан далолат беради. Бешафқат давр синовларидан омон қолган энг қадимги тошёзувлар битиқлардан тортиб бугун кутубхоналаримиз ҳазинасида сақланаётган 20 мингдан ортиқ қўлёзма, уларда мужассамлашган. Тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, физика, кимё, астрономия, меъморчилик, деҳқончиликка оид ўн минглаб асарлар бизнинг бекиёс маънавий бойлигимиз ифтиҳоримиздир¹.

Мавзунинг долзарблиги. Маънавият, маърифатни тарғиб қилиш ҳар бир зиёлининг виждон ишидир. Маърифатчи фидойи бўлмоғи керак.

¹ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. - Т.: Шарқ 1998. - Б.4.

Тарихни яхши билмасдан туриб юксак маънавиятга эришиш мумкинми? Албатта, мумкин эмас. Маънавиятни тиклаши туғилиб ўсган юртида ўзини бошқалардан кам сезмай бошини баланд кўтариб юриши учун инсонга албатта тарихий хотира керак. Ким бўлишидан қатъий назар жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз ўтмишини яхши билса бундай одамларни йўлдан уриш ҳар хил ақидалар таъсирига олиш мумкин эмас. Тарих сабоқлари инсонни ҳушёрликка ўргатади иродасини мустаҳкамлайди.

Бирон бир жамият маънавий имкониятларини одамлар онгида маънавий ва ахлоқий қадриятларни ривожлантирмай, мустаҳкамламай туриб ўз истиқболини тасаввур эта олмайди. Халқнинг маданий қадриятлари маънавий мероси минг йиллар мобайнида шарқ халқлари учун қудратли маънавият манбаи бўлиб хизмат қилган. Узоқ вақт давом этган қаттиқ мафкуравий тазийққа қарамай Ўзбекистон халқи авлоддан авлодга ўтиб келган ўз тарихий ва маданий қадриятларини ҳамда ўзига хос анъаналарини сақлаб қолишга муваффақ бўлди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ аجدодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида меросни аниқлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди. Биз маънавий қадриятларни тиклашни миллий ўзликни англашнинг ўсишидан халқнинг маънавий сарчашмаларига, унинг илдизларига қайтишдан иборат узвий табиий жараён деб ҳисоблаймиз².

Маънавият инсоннинг қон-қони, суяк-суягига йиллар давомида она сути, оила тарбияси, аجدодлар ўгити, Ватан туйғуси, бу ҳаётнинг баъзида аччиқ, баъзида қувончли сабоқлари билан қатра-қатра бўлиб сингиб боради. Айниқса, табиатта, одамларга яқинлик, доимо яхшилиқни ўйлаб яшаш, ҳалол меҳнат қилиш, дунёнинг тенгсиз неъмат ва гўзалликларидан баҳраманд бўлиш маънавиятга озиқ беради, уни янада кучайтиради.

² Каримов. И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида, хавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёти кафолатлари. - Тошкент. Ўзбекистон. 1997. – Б.137.

Жаҳон халқлари тажрибаси, уларнинг босиб ўтган мураккаб ривожланиш йўллари, бу борадаги сабоқ ва хулосалар шундан далолат берадики, қаерда давлат ва жамият тараққий топса, халқнинг тинч-осойишта ҳаёт кечириши, ўз олдига эзгу ва буюк мақсадлар қўйиб яшаши учун етарли шарт-шароитлар яратилган бўлса, ўша ерда эркин фикрлаш муҳити ва шу асосда маънавий юксалиш учун янги имкониятлар туғилади.

Умуман олганда, инсоният тарихи маънавият-инсоннинг, халқнинг, жамият ва давлатнинг буюк бойлиги ва куч-қудрат манбаи эканини, бу ҳаётда маънавиятсиз ҳеч қачон одамийлик ва меҳр-оқибат, бахт ва саодат бўлмаслигини яққол тасдиқлайди. Ҳақиқатдан ҳам ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади.

Шуни таъкидлаш керакки, маънавий қадриятларни ҳамда биз учун муқаддас бўлган диний қадриятлар ва анъаналарни қайтариш ва тиклаш, ўзлигимизни англаш анча мураккаб шароитларда, эски империя тузуми барбод бўлган ва ижтимоий муносабатлар қарор топаётган бир шароитда юз берди. Воқеаларнинг бундай ривожланиши ҳавфли эканини англаш чуқур ўйлаб ва ҳар томонини ҳисобга олган ҳолда ёндашишни маънавий тингланишнинг ижобий бунёдкорлик моҳиятини кучайтиришга қаратилган бир-бирини тўлдирадиган сиёсий иқтисодий ва маданий дастурлар мажмуини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни зарур қилиб қўймоқда. Ушбу дастурлар биринчи навбатда қайта тикланаётган меросга фарқлаб ёндашишга энг муҳим умуминсоний қадриятларни бойитадиган ҳолда жамиятимизни демократиялаш ва янгилаш талабларига жавоб берадиган, ахлоқ жиҳатидан аҳамиятли анъаналарни, урф одатларни танлаб олиш заруриятига асосланган эди³.

³ Ўша манба. – Б.139.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг эволюцион тараққиёт йўли билан бозор муносабатларига асосланган ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳада қонунлар устивор бўлган ҳуқуқий демократик давлат қуриш борасида кенг қамровли ислохотларни амалга оширмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ, мустақил Ўзбекистон Республикаси дунёнинг энг ривожланган давлатлари билан дипломатик, иқтисодий ва маданий алоқалар ўрнатиб ўзаро манфаатдорлик асосида ҳамкорлик қилмоқда. Шу жиҳатдан олиб қаралганда бу ҳамкорлик қилинаётган давлатларнинг тарихини ўрганиш таҳлил этиш масаласи ҳам ўта долзарб илмий мавзулар сирасига киради. Зеро, уларни тарихий тараққиётнинг турли давларида босиб ўтган тарихини ўрганиш ҳам илмий, ҳам амалий жиҳатдан фойдалидир.

Ҳар қандай цивилизация кўпдан-кўп халқлар, миллатлар, элатлар фаолиятининг ва самарали таъсирининг маҳсулидир. Бир сўз билан айтганда, кўчманчилар, босқинчилар келиб кетаверади, лекин халқ боқий қолади, унинг маданияти абадий яшайди.

Мамлакатимизнинг мустақиллигига жаҳондаги давлатлар ҳам бефарқ муносабатда бўлмай, уни давлат сифатида тан ола бошлади. Мустақил ривожланишдаги ўтган қисқа тарихий даврда республикани суверен давлат сифатида қарор топтириш юзасидан улкан ишлар амалга оширилди. Ҳозирда Ўзбекистонни 165 дан ортиқ давлат тан олган. Дунёдаги 120 дан ортиқ мамлакат билан дипломатик муносабатлар ўрнатган. Тошкентда 35 дан ортиқ мамлакат ўз элчихонасини очган⁴.

Жаҳон ҳамжамиятининг мустақил Ўзбекистонни тан олиши давлатимизнинг кенг ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолияти ўзбек халқининг маънавий қадриятлари ва имкониятлари тикланишга ўзини бошқа халқлар оиласидаги тўла ҳуқуқли миллат сифатида англаб етишига янада куч

⁴ Каримов И. А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон. 1997. – Б.296.

бахш этди. Кенг миқёсдаги халқаро алоқалар жаҳон маданиятини янада чуқурроқ билиш умуминсоний қадриятлардан бахраманд бўлиш учун қулай замин яратди.

Натижада Ватан тарихи билан биргаликда жаҳон тарихини ўрганиш ҳам давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Чунки жаҳондаги давлатларнинг тарихи, маданияти ва тилини мукаммал ўрганиш муҳимдир.

Биз ўрганаётган мавзу, яъни “Леонардо да Винчи ҳаёти ва ижоди” мавзуси нафақат итальян халқи тарихида, балки жаҳон тарихидаги долзарб ва анча қизиқарли мавзулардан бири саналади.

Ренессанс маданиятининг марказлари бўлиб шаҳарлар билан бир каторда хукмдорларнинг ва йирик бой шахсларнинг сарой ҳамда хонадонлари бўлиб колди, улар томонидан бадиий санъат ижодиёти қўллаб қувватланди. Меценат(хомий)лик ўта даражада ўсди. Рассом ва олимларнинг ижтимоий статуси ўзгарди. Улар энди зодагон ва аслзодаларнинг буюртмаларига кўра фаолият кўрсатишга мажбур бўлиб, саройлардан ўрин эгаллашга интилишган.

Инсонпарварликда натурал фалсафий қарашлар мавжуд бўлган. Инсон ва табиат уйғониш давридаги дунёни англашнинг доимий предмети (ўрганиш доираси) булган. Бу даврда моддий ёки рухий борликдан дунёнинг вужудга келиши масаласи асосий диққат марказда бўлди. Онг ва сезги оркали оламни билиш ғояси XVI асрдаги илғор мутафакирларни тушунчаларини ташкил этди. Бу ғоянинг асосчиларидан бири Леонардо да Винчи бўлиб, у "бизнинг барча билимларимиз сезишдан бошланади" деган. У фан билан ҳаётни яқиндан боғлаш тарафдори булган. "Фан - бу лашкарбоши қўмондон бўлса, амалиёт эса аскар, солдатдир" деган афоризм ҳам унга тегишлидир. Олам осмон жисмларидан бири бўлган ер - бутун борлиқнинг маркази эмас, деган ғояни ҳам Леонардо да Винчи айтган.

“1502 йилнинг ёзида Франциянинг аҳолиси кўчаларда кўпинча ташқи қиёфаси ғалати бир кишини учрарат эдилар. Унинг оқ оралаган

узун сочлари бош кийими тагидан елкасига қадар ёйилган, соқоли юзини қоплаб, кўксига тушган эди. Қуюқ қошлари остидан синчков кўзлари термулиб турарди. Баланд йирик гавдасини кенг кийими яширар эди”.

Бу киши Леонардо да Винчи эди. У машҳур рассом, ҳайкалтарош ва архитектор бўлган. Шунингдек, у ажойиб инженер, математик ва анатом ҳам эди.

У расм чизар, ихтиролар қилар, асбоблар яратарди. Ундан 7 минг саҳифага яқин хотира дафтарлари ва кўлёзмалар қолган. Ҳозиргача улар тўлиқ ҳолатда ўрганиб чиқилмаган.

Тадқиқотчилар Леонардо да Винчи кўлёзмаларининг ичидан учиш аппаратлари, парашют, сув ости кемаси, автомат тўқув станогии, вертолёт каби ажойиб нарсаларнинг лойиҳаларини топдилар. Бир неча юз йиллардан сўнг буларнинг барчаси олим-ихтирочилар томонидан қайтадан ихтиро этилди. Шунингдек, унинг каналлар, металлургия печлари ва прокат станлари, босма ва ер ковлаш машиналари бўйича чизган лойиҳаларини ҳам топишди. Самолёт пайдо бўлмасидан юз йиллар аввал Леонардо да Винчи қушни эслатувчи учиш апаратини ҳам яратди.

Бироқ ўша давр техникасининг паст даражаси туфайли Леонардо да Винчи ижодий ниятларини амалга ошира олмади.

Лекин рассом - Леонардо да Винчининг асарларига анчагина бахтли тақдир насиб этди. У яратган картиналар ва сон-саноксиз расмлардан замондошлари ҳам, уларнинг узок авлодлари ҳам завқланишган. Хатто ҳозирги кунда ҳам рассомнинг жуда бўлмаганда биргина асарини томоша қилиш учун кишилар соатлаб навбат кутишадилар.

Леонардо да Винчи асарлари нимаси билан миллионлаб кишиларни шу қадар ўзига жал этади?

Унинг картиналари ҳаёт билан суғорилган. Леонардо да Винчи картиналарида предметлар, шунингдек киши ва ҳайвонларнинг тасвири ниҳоятда равшан ва ҳажми асл кўринишидан анчайин катта қилиб кўрсатилгандек туюлади. Нур ва соя ёрдамида Леонардо да Винчи картинада дунёнинг ранг-баранглигини кўрсата олган.

Масалан, олиб қарайлик: бизнинг қаршимизда Леонардо да Винчининг машҳур “Мона Лиза” картинаси - деярли 500 йил муқаддам яшаган ёш аёл портрети (бу портретни яна “Жоконда” деб ҳам аташади). Унда шаҳарлик бадавлат аёл сал жилмайган, ўйчан, ҳаёлчан, ғамгинроқ ҳолатда тасвирланган. Бу гўзал қиёфага қараб, бу аёлнинг бой ва мураккаб ички дунёсини, унинг ўткир ақлини ҳис этамиз. Мона Лиза табиат манзараси фонида тасвирланган. Олисдаги тоғлар, аосмон, дарё ва дарахтлар - буларнинг ҳаммаси енгилгина туман билан қопланган.⁵

Леонардо да Винчи учун табиат ва инсон ажралмасдир. Хотира дафтарларида у ҳамма нарсанинг расмини: гулларни, эман ёнғоғини, мушукни, куш қанотларини, матонинг қатини, от оёқларини синчковлик ва буюк кузатувчанлик билан чизиб борган. У инсон ва ҳайвонларнинг тана тузилишини яхши билганлиги сабаблигина ажойиб картина ва расмлар ярата олган десак хато бўлмаса керак. Шундай картиналардан бири - “Ангъяри яқинидаги жанг”. Унда отлиқ жангчиларнинг аёвсиз олишуви тасвирланган. Леонардо да Винчининг ўзи бу картинада “ниҳоятда ваҳшиёна урушни” тасвирлаганлигини айтган.

Леонардо да Винчи тинчликни ҳоҳларди. Шунинг учун гуллаб-яшнаётган Италия ерини поймол этаётган князь ва амалдорларнинг низо ҳамда тўқнашувларидан нафратланарди. У бутун ҳаётини дарбадарликда ўтказишга мажбур бўлди ва 1519 йили Францияда вафот этди.

Уйғониш даври буюк рассоми - Леонардо да Винчининг гениал

⁵ История искусства зарубежных стран 17-18 веков - М.: Изобразительное искусство. 1988. – С.229.

асарлари авлодларга янгидан-янги завқ бағишламоқда.

Мавзунинг ўрганилиш даражаси. Жахон санъати тарихидаги гениал шахс - Леонардо да Винчининг ҳаёти ва ижоди умумтарихий жараёнлар ичида ва санъат тарихининг ривожланиши йўналишлари билан боғлиқ ҳолда ўрганилади. Кўплаб тарихчилар тарихнинг у ёки бу даврини тадқиқ қилишида бевосита ўша давр маданияти, хусусан санъати ривожини ва унда фаолият олиб борган ижодкорлар ҳақида ҳам ёритишга ҳаракат қилганлар.⁶

Санъатшунослар томонидан ҳам биз ўрганмоқчи бўлган мавзу юзасидан кўплаб тадқиқотлар олиб борилган. Масалан, Н. Абдуллаев томонидан 1986 йилда Тошкентдаги “Ўқитувчи” нашриётида нашр қилинган 2 томлик “Санъат тарихи” номидаги ўқув қўлланмада Леонардо да Винчи ҳаёти ва унинг ижоди кенг ёритиб берилган.⁷

Ишнинг мақсад ва вазифалари. Битирув малакавий ишидан мақсад санъатининг яхлит ва маънавий қадрият эканлиги ҳақида тушунча ҳосил қилишдир. Бу вазифанинг ҳал этилиши эса санъат тарихига оид бой материалларни холис таҳлил қилиш ва талқин этилишига эришилишига олиб келади.

Айниқса, аҳамиятли жойи шундаки, битирув малакавий иши билан танишувчилар тарихий-маданий жараённинг умумий қонуниятлари ва конкрет тарихий шароитларда Леонардо да Винчининг фаолияти ҳақида тасаввурга эга бўладилар. Улар маданият ва унинг феноменлари шартлари ҳақида яхлит тушунчага эга бўладилар. Битирув малакавий ишнинг яна бир

⁶ Алпатов М.В. (Всемирная история искусств. Т 2-3. - М.: 1955), Алпатов М.В. (Художественные проблемы итальянского Возрождения. - М.: 1975), Всемирная история. В 10 т., (Т. 4. - М.: Соцэкономлит. 1958), Всеобщая история искусств. (М.: 1960), История искусства зарубежных стран. (М.: 1963), История искусства зарубежных стран: Средние века и Возрождение (М.: Изобразительное искусство. 1982), История искусства зарубежных стран 17-18 веков (М.: Изобразительное искусство. 1988), История средних веков. В 2 т., (Т. 2. М.: Высшая школа. 1991), Калпинский Ю.Д. (Искусство. - М.: 1957), Культура эпохи Возрождения и Реформация. (Л.: Наука. 1981), Любимов Л. (Искусство Западной Европы. (М.: 1982), Мережковский Д.С. Воскресшие боги: Леонардо да Винчи. (М.: Художественная литература. 1990), Неру Дж. Взгляд на всемирную историю. (М.: Прогресс. 1989), Нессильштраус Ц.Г. (История зарубежного искусства. - М.: 1982), Ротенберг Е.И. (Искусство Италии эпохи Возрождения. - М.: 1974), Типология и периодизация культуры Возрождения. (М.: 1987).

⁷ Абдуллаев Н. (Санъат тарихи. – Т.: Ўқитувчи. 1986.)

вазифаси Леонардо да Винчи санъатини ҳар бир тарихий даврда кўп қатламли тизим сифатида ривожланганлигини кўрсатишдир.

Ишнинг аҳамияти. Тадқиқот назарий жиҳатдан ўрганилган бўлсада, амалий жиҳатдан илк марта битирув малакавий иш хажмида амалга оширилаётганлиги билан белгиланади.

Битирув малакавий ишининг амалий аҳамияти шундаки, Леонардо да Винчи ҳёти ва ижодини: асарлари ва картиналари, ихтиро ва изланишларининг моҳиятини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш орқали тарих фанига янги-янги маълумотлар олиб келади.

Битирув малакавий ишининг натижасига кўра, баён этилган фактик материаллар ва илмий хулосалардан Тарих ва ижтимоий фанлар факультети “Тарих” таълим йўналиши талабалари учун ўтиладиган “Жаҳон тарихи” ва “Жаҳон санъати тарихи” (махсус курс) фанларидан маъруза ва семинар машғулотларида, талабаларнинг мустақил ва курс ишларини тайёрлашларида, тўғарак ишларини олиб боришда манба бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Ишнинг тузилиши. Битирув малакавий иши кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва илова-расмлардан иборат бўлиб, электрон вариантда иловалардан ташқари 51 саҳифани ташкил этади. Ишга тақдимот тайёрланган бўлиб, у компакт дискда илова қилинган.

1. Италияда уйғониш даври ва унинг Леонардо да Винчи фаолиятига таъсири

Феодал жамияти қўйнида капиталистик муносабатларнинг таркиб топиши Ғарбий Европа ҳаётида муҳим ўзгаришларга олиб келди. Дин ўз обрўсини йўқота борди, майда ҳунармандчиликдан манифактурага ўтиш, шаҳарларнинг тезлик билан кенгайиб, ривожланиб бориши, янги китъаларнинг очилиши ва савдо-сотиқнинг ривожланиши ижтимоий ҳаёт қиёфасини ҳам, одамларнинг ҳаётга, воқеликка бўлган муносабатини ҳам ўзгартира бошлади.

Бу даврга келиб, қирол ҳокимияти шаҳар аҳолисига суяниб, феодал дворянларнинг қудратини синдириб ташлади ва йирик-йирик, аслида миллатларга асосланган монархиялар тузди, бу монархияларда ҳозирги замон Европа миллатлари ва ҳозирги замон буржуа жамияти тараққий эта бошлади. Ана шу тараққиёт жараёнида янги дунёвий санъат ва маданият камол топди. Китоб босишнинг вужудга келиши адабий ва илмий асарларни кенг тарқатиш имкониятини яратди. Мамлакатлар орасидаги яқин муносабатлар эса бадий ҳаётдаги янгиликларни тезда ўзлаштириш имконини туғдирди.

Ўрта асрларнинг ривожланган етук даврида Италиянинг бой шаҳарларида мануфактуралар пайдо бўлди. Иқтисодий тараққиёт маданиятнинг ривожланиши учун йўл очди. Одамларнинг фикрида, дунёқарашидаги ўзгаришлар ҳам энг аввало Италияда бошланди.

Вужудга келаётган буржуазия дунёга янгича қарарди. Асрлар давомида ҳукмронлик қилиб келган феодалларнинг бойлик орттириш усуллари: талончилик урушлари, ўзаро можаролардан иборат эди. Буржуазия эса савдо-сотиқ, мануфактураларда ёлланма ишчилар меҳнатидан фойдаланиб бойлик орттиришга интиларди. Феодалдан фарқли ўлароқ у чакқон ва тадбиркор эди. Савдогарлар бойлик орттириш учун хавфли денгиз сафарларига чиқардилар.

Савдо-тижорат кишилари: «Одам умрини уйқуда ўтказиш учун эмас, балки ҳаракат учун туғилган», деган қоидага риоя қилар эдилар.⁸

Ўз тараққиётини XV-XVI асрларда бошидан кечирган бу янги маданият тарихда «уйғониш» деб ном олди. Бу иборани италиялик рассом ва санъатшунос Жорж Вазари Италияда санъат узоқ ўрта асрдан сўнг яна қайтадан «уйғонганлиги» сабабли ишлатган ва асосан, Жотто ижодига нисбатан қўлланган эди. Кейинчалик эса, бу кенг мазмун касб этиб, Италияда, сўнггра Европанинг бошқа мамлакатларида вужудга келган, феодализм асридан фарқ қиладиган санъатни таърифлаш учун қўлланила бошланди.

Уйғониш даври маданияти ва санъати ўз характерини Италияда тўлиқ намоён этиб, қатор тараққиёт босқичларини бошидан кечирди. Булар, асосан, қуйидагилардан иборат:

1. Уйғониш арафаси даври — проторенессанс (XIII-XIV асрлар).
2. Илк Уйғониш даври—кватраченто (XV аср).
3. Юқори Уйғониш даври (XV асрнинг 90-йиллари - XVI асрнинг 20-30-йиллари).
4. Сўнгги Уйғониш даври (XVI асрнинг иккинчи ярми).

Сўнгги Уйғониш даврида гуманистик санъат билан бирга, тушкун, инқирозий манъеризм оқими ҳам мавжуд бўлди.

Шунингдек, уйғониш даври ҳақидаги адабиётларда кўпгина асарларнинг итальянча атамаси: XIII аср — дученто, XIV аср — треченто, XV аср — кватраченто, XVI аср — чинквеченто ишлатилади.⁹

Албатта, Уйғониш даври тараққиёти ҳамма мамлакатларда бир хил бўлмади. Масалан, Германия сўнгги Уйғониш, Нидерландия эса юқори Уйғониш даври тараққиётини бошидан кечирмаган. Уйғониш даври инсоният тараққиётидаги муҳим босқич эди ва бу - инсоният шу

⁸ Абдуллаев Н. Санъат тарихи. - Т.: Ўқитувчи. 1986. – Б. 203.

⁹ Ўша манба.

давргача ўз бошидан кечирган ҳамма ўзгаришлар ичида энг буюк прогрессив ўзгариш эди, бу шундай давр эдики, бу давр улуғ сиймоларга мухтож эди ва бу давр ўз тафаккур кучи, эҳтирос ва характери жиҳатидан, мукаммаллик ва олимлик жиҳатидан жуда улуғ сиймоларни етиштириб берди. Дунёвий санъат ва маданият мисли кўрилмаган даражада ривожланди. Уйғониш даври кишилари инсоннинг ақл-идрокига, имкониятининг чексизлигига, маърифатнинг келажакдаги тантанасига ишондилар. Ўз изланишларининг марказига эса шу инсонни қўйдилар. Натижада улар чин маънода халқчил асарлар ярата олдилар, кенг халқ оммасининг орзу-истак, ҳис-туйғуларини ифодалаб, илғор гуманистик ғояларни кўтариб чиқдилар. Шу боисдан ҳам бу давр «гуманизм асри» («humanism» лотинча инсоний, инсонпарвар) деб аталди.¹⁰

Уйғониш даври маданияти антик дунё маданиятидан таъсирланди. Унинг ёдгорликларини қунт билан ўрганди (антик дунё ёдгорликларининг Италияда мўллиги бунга қўл келди). Лекин бу давр ижодкорлари унинг қулига айланмадилар. Аксинча, ундан ўз фикр, туйғу тушунчаларини таърифлашда фойдаландилар. Реал воқеликка, гўзалликка қизиқиш давр тараққиётида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ҳаёт реал ҳодиса деб тан олинди. Санъаткорлар воқеликни реал тасвирлашда янги қонун-қоидаларни излай бошладилар. Перспектива, рангшунослик, ёруғ-соя назарияси, анатомия борасида катта ютуқлар қўлга киритилди. Меъморлик ва амалий-декоратив санъат янги тенденцияларнинг шаклланишига хизмат қилди, жумладан, меъморлар қадимги анъаналарни ўзлаштириб, уни янги мазмун билан бойитдилар. Шу билан бирга, меъморликнинг янги конструкцияларини вужудга келтирдилар, кўп қаватли уйлар, янги қиёфадаги ижтимоий бинолар қад кўтарди. Бинонинг ташки ва ички томонларини безаш, кенгликни

¹⁰ Абдуллаев Н. Санъат тарихи. - Т.: Ўқитувчи. 1986. – Б.204.

ташкил этиш борасида ҳам қатор ютуқлар қўлга киритилдики, улар кейинги Европа санъати тараққиётида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Италиянинг Шарқ ва Ғарб орасидаги муҳим савдо йўлида жойлашиши унда капиталистик муносабатларнинг жуда эрта шаклланишига олиб келди. Савдо-сотиқнинг ривожланиши, ўзга юртлар билан алоқасининг интенсивлиги ҳунармандчиликнинг ривожланишига замин яратди. Феодал муносабатларнинг заифлиги эса бу ерда янги сиёсий тартибни - шаҳар-республика тартибининг пайдо бўлишига ва Италиянинг Европада биринчи бўлиб капиталистик мамлакатга айтанишига имкон берди. Ижтимоий ҳаётда содир бўлган бу хусусият санъат ва маданиятда ўз ифодасини топди. Бу ўзгариш савдо ва ишлаб чиқариш ривожланган Ўрта Италияда жойлашган Флоренция, Пиза, Сиенада ҳамда Шимолий қисмидаги Генуя, Милан, айниқса, савдогар ва банкирлар республикаси бўлган Венецияда жуда сезиларли бўлди.

Янги давр санъатининг характерли белгилари дастлаб адабиётда кўрина бошлади. Бу хусусият, айниқса, ўрта асрнинг энг охири ва шу билан бирга, янги замоннинг энг аввалги шоири Данте Алигъери (1265-1321 йилларда яшаган) ижодида намоён бўлди. Гуманист ёзувчи ижоди ҳали ўрта аср аллегоризмидан холи эмас, символик тасвирлар мавжуд бўлса ҳам, лекин шу шаклларда санъаткорнинг диний сюжетларни реал воқелик билан боғлашга интилиши сезилади. Албатта, бу ҳол аста-секин камайиб, дастлабки гуманист ёзувчи ва шоирлар Петрарка ва Бакаччо асарларида мавҳум символик иборалар иккинчи ўринга қўйилиб, реализм эса биринчи ўринга чиқарилди, воқеликни характерли деталлар билан акс эттиришга киришилди. Уйғониш даври санъаткорлари учун инсон ва уни ўраб олган муҳитнинг чексиз имкониятлари ва қизгин эҳтиросларини атрофлича акс эттириш муҳим ўрин тутади. Инсон ҳис-туйғулари янги шароитда ўрта аср зоҳидлик

ҳаётига қарши кучли исён кўтаради. Уларнинг турмуш қувончлари реал талқин этилади. Ижобий қаҳрамонлари характерли беқиёс жасорат ва мардлик мужассамлашади. Шахс эркини ҳимоя қилган гуманистлар ўз куч-қудратига, ҳақ ишнинг тантана қилишига ишонган, адолат учун курашувчи, қалби пок, олижаноб образларни яратиш орқали Уйғониш даврининг ҳаётбахш руҳини акс эттирадилар. Тасвирий санъатда бу хусусият дастлаб ҳайкалтарошликда Никола Пизано (1220/1225-1278/84 йилларда яшаган), рассомликда Чимабуэ, (1240/50-1302 йилларда яшаган), Дуччо ди Буонинсеня (1255-1319 йилларда яшаган)лар ижодида кўрина бошлади.¹¹

XII асрнинг охирларида Флоренция Италиядаги йирик ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ марказига айланди. Сиёсий ҳокимият ҳунармандлар ва савдогарлар қўлига ўтди. Ишчилар бир корхонага тўпланди. Меҳнат тақсимотининг ўзига хос кўриниши - капиталистик муносабатлар юзага келди. Эндиликда ақл-фаросатли, ижодкор Инсон имкониятларига қизиқиш кучайди. Дантенинг ватани бўлган Флоренцияда тасвирий санъатдаги шу янги хислатлар - реалистик мазмунни ифодалашга интилиш ривожланди.

Янги давр изланишлари дастлаб флоренциялик Чимабуэ номи билан машҳур бўлган Ченни ди Пеппо ижодида кўрина бошлади. Вазари таъбири билан айтганда, у биринчи бўлиб расм чизиш ва рангтасвирнинг янги усулларига асос солди. Чимабуэнинг асарлари бизгача кам етиб келган. Лекин улар рассом ижодидаги новаторликни кўра олиш имкониятини беради. «Бутга михланган» (1280 йил), «Мадонна чақалоқ ва фаришталар билан» (1280-1285 йиллар) каби компо-зицияларида ҳаракат, ҳая-жонни табиий акс эттиришга, образларни бир-бири билан руҳий боғлашга ҳаракат қилганлиги сезилиб туради.

¹¹ Абдуллаев Н. Санъат тарихи. - Т.: Ўқитувчи. 1986. – Б.205.

Сўзсиз, Уйғониш даврининг йирик рассоми, проторенессанс рангтасвир санъатининг буюк ислохотчиси Чимабуэнинг шогирди Жотто ди Бондоне (1266/67-1337 йилларда яшаган) ҳисобланади. Шаклланиб келаётган янги зиёлиларнинг типик вакили, реалистик санъатининг асосчиларидан бири, рассом-ҳайкалтарош, меъмор Жотто ўзидан аввалги ва ўзи яшаган даврдаги реалистик санъат борасида эришилган ютуқларни чуқур ўзлаштирган ҳолда, уни янги поғонага кўтарди. Жотто композицияларни асосида, асосан, диний мавзу ётса ҳам, лекин шу афсонавий воқеаларни янги мазмун билан, шу даврда шаклланиб келаётган янги маданият талаблари мазмуни билан узвий боғлиқ ҳолда намоён этади. Унинг асарларида реал инсон бутун борлиғи билан тасвирланади, унинг жасорати, олижаноблиги, инсонпарварлиги куйланади. Шу билан бирга, инсонлар орасида учраб турадиган худбинлик, ёвузлик, сотқинлик каби хислатлар очиб ташланади. Жотто асарларининг бош мавзуси маънавий-ахлоқий баркамол инсонни улуғлаш ва уни давр идеали даражасига кўтаришдир. У воқеликни реал муҳитда - маконда ифодалашга интилади. Шу мақсадда у тасвирий санъатнинг тасвирий ва ифода воситалари бўлган ёруғ-соя имкониятларидан кенг фойдаланишга ҳаракат қилади. Композициянинг мантиқий қурилишига, маконда жойлашган ҳар бир образни ўринли кўрсатишга эришади. Жотто ўз даврининг машҳур санъаткори эди. Унинг санъати кўпчиликка манзур бўлди. Бу, албатта, унга буюртмаларнинг кўплаб берилишига сабаб бўлди. Натижада Флоренцияда дунёга келган бу санъаткорнинг ишлаган суратлари Италиянинг жуда кўп шаҳарларига бориб етди. У ерлардан ҳам буюртмалар келиб турди. Бу катта буюртмаларни бажариш учун катта бадий устахона ташкил этди ва ўзининг шогирдлари билан бирга ишлади. Бу эса санъаткорнинг янада машҳур бўлишига, таъсир доирасининг кенгайишига сабаб бўлди. Рассомнинг муҳим асарларидан

бири, Падуюдаги дель Арена капелласига ишланган деворий суратидир. Бу суратда санъаткорнинг гражданлик позицияси, юксак бадий маҳорати намоён бўлди. Суратларда Биби Марям ва Исо ҳаёти тасвирланади. Лекин, диний воқеалар санъаткор томонидан реал воқеадек ифодаланади. Натижада унинг образлари ҳис-туйғу, куч-қувватга тўла реал кишиларни эслатади. Уларнинг вазмин жуссалари, басавлат либослари манзара, табиат қўйнида янада куркам ва улуғвор кўринади. Композицияга киритилган ҳаётий лавҳалар эса унинг таъсирчанлигини янада оширади. Рассомнинг муҳим ютуқларидан бири шундаки, у ўз қаҳрамонларининг характери, уларнинг маънавий дунёси, хатти-ҳаракати, ўзини тутиши ва ташқи қиёфасида кўрсатади. Бу хусусда «Иохимнинг чўпонлар орасига қайтиши», «Иуда бўсаси», «Исога аза тутиш» каби суратлари характерлидир.

XIII аср охири-XIV асрнинг биринчи ярмида проторенессанс санъати ривож топди. Бу пайтларда Сиена бой банкирлар шаҳри эди. Шу муҳитда яратилган санъат асарлари Флоренция бадий мактабидан фарқли ўлароқ бирмунча аристократик, нафис ва декоративлиги билан фарқланади. Тўғри, Сиена мактаби ривожига флоренциялик рассомларнинг, айниқса, Чимабуэ, Жоттоларнинг роли сезиларли бўлди. Лекин бу сиеналик рассомларнинг ўзига хос проторенессанс даври санъатини яратишларига ҳалақит бермади. Сиеналик шундай рассомлардан бири Дуччо ди Буонинсенья (тахминан 1255-1319 йилларда яшаган) ҳисобланади. Унинг асарларидаги образлар хатти-ҳаракатида табиийлик, уларнинг қиёфалари, қарашларида майин инсонийлик, туйғулари сезилиб туради. Рассом ҳар бир образни зўр иштиёқ билан ишлайди, ҳар бир деталнинг тугал ва аниқ бўлишига эътибор беради. Дуччонинг машҳур асари собор меҳроби учун ишланган сурати ҳисобланади. Биби Марям ва Исо тарихига бағишланган бу катта композиция (эни 4,24 м, баландлиги 4 м.га яқин)

марказида чақалоқ кўтариб ўтирган Биби Марям, унинг атрофида авлиё ва фаришталар акс эттирилган. Рассом бу асарида ҳам ҳикоянависликка катта эътибор беради, нур, ранг, чизиқларнинг эмоционал имкониятларидан кенг фойдаланади. Биби Марям ва Исо ҳаётига бағишланган сюжет композициялари, айниқса, ҳаётий ва жонли чиққан.

Проторенессанс реализмининг ривожланиши ҳақида гап борганда, Амброджо Лоренцетти (XIV асрда яшаган) номини эсламай бўлмайди. У кўпгина сиеналик усталар каби Жотто ижодий ютуқларидан фойдаланиб, асарлар яратишга ҳаракат қилди, перспектива, ягона қараш нуктаси масалалари билан қизиқди, реал тарихий муҳит, конкрет табиат кўринишларини тасвирлашга ҳаракат қилди, ўз композицияларига ярим яланғоч аёл образини киритди. Булар сиеналик усталар ижодида антик санъат билан алоқа кучайиб бораётганлиги ва ренессанс санъати принципларининг мустаҳкамланиб бораётганлигини кўрсатади.

XIV асрнинг охирларидан бошлаб, Флоренция Италиядаги муҳим сиёсий ва маданий марказлардан бирига айлана бошлади ва бутун Италия бадиий маданияти ва санъатининг кенг кўламда қайта янгиланиши ва ривожланишига туртки бўлди.

XV асрда Флоренцияда яшаб ижод этган буюк санъаткорлар Мазаччо, Донателло, Брунеллески ва уларнинг издошлари ўз ижодларида Уйғониш даври санъати принципларини намоён этдилар. Бу санъаткорларнинг асарлари гуманизм ғоялари билан суғорилган бўлиб, улар ўз асарлари марказига инсон образини қўйдилар. Илк Уйғониш даври санъаткорлари проторенессанс санъати ютуқларини давом эттирган ҳолда, уни илмий жиҳатдан бойитдилар, реалистик санъатнинг янги қирраларини очдилар. Илк Уйғониш даврида антик санъатга қизиқиш янада ортди. Ҳаётни чуқур ўрганиш асосида асар

яратиш принциплари эса санъаткорларнинг фикр доирасини янада кенгайтди. Воқеликни илмий асосда билишга интилиш пайдо бўлди.

Бу даврда улкан бинолар, ғоят катта гумбазли ва қатор устунли собор, сарой ва ибодатхоналар қурилди. Флоренциялик меъморлар антик меъморлик анъаналари ва ордер системасидан унумли фойдаландилар ва бу анъаналарни ўрта аср Италия меъморлик техникаси ютуқлари, маҳаллий қурилиш материал ва конструкциялари билан уйғунлаштириб, ренессанс меъморлиги услубини яратдилар. Бу услуб ривожига готика ҳамда Византия меъморлиги услуби ҳам самарали таъсир қилди. Ренессанс меъморлигида девор юзаси текислигининг яхлитлигига эътибор кучайди, меъморлик композициясининг вертикал ва горизонтал чизиқлар ритми ва мутаносиблигига, хонанинг кенглиги, унинг яхлит ва кўркемлигига аҳамият берилди бошланди. Бу даврда граждан меъморлиги, монастирлар комплекси қурилиши, ибодатхоналар қурилиши ҳам янгиланди. Шаҳарнинг ижтимоий-маъмурий марказ планировкаси ва тузилиши билан боғлиқ бўлган янги типи пайдо бўлди.

Илк Уйғониш даврида ҳайкалтарошлик ўзининг энг гуллаган даврини бошидан кечирди. Бу даврда қатор етук ҳайкалтарошлар ижод этиб, реалистик ҳайкалтарошлик санъати тараққиётига муҳим ҳисса қўшдилар. Булар ичида Лоренцо Гиберти, Донателло, Яконо делла Кверчи каби ҳайкалтарошлар, айниқса, машҳурдир. Кватрочентога келиб, ҳайкалтарошлик мустақил санъат турига айланди. Агар ўрта аср санъаткори учун бу санъат бевосита меъморлик билан боғлиқ ҳолда, унинг ажралмас компонента бўлган бўлса, эндиликда ҳайкалтарошлик мустақил санъат сифатида намоён бўлди. Ҳайкалтарошлик диний-миетик мазмундан холи бўлиб, бевосита Уйғониш маданиятига хос бўлган хусусият - реал ҳаётга мурожаат эта бошлади. Унинг бош қаҳрамони инсон, унинг ҳис-туйғу ва орзу-истаклари бўлиб қолди. Бу

даврда портрет жанри ҳам ривожланди, очик майдонга қўйиш учун мўлжалланган отлик ҳайкаллар яратилди. Ҳайкалтарошликда янги материал (керамика, бронза, мрамор)ларнинг кенг ишлатилиши ҳам ҳайкалтарошлик санъатидаги қатор ўзгаришларга сабаб бўлди.

XV аср бошларида Флоренция бой банк хўжайини Козимо Медичи қўлига ўтди. У буржуа республикасининг сайланмаган ҳукмдорига айланди. Доно сиёсатчи, айёр дипломат Медичи ва унинг сулоласи ҳокимият тепасида деярли XV асрнинг охирларигача турди. Козимо Медичи ҳокимиятни мустаҳкамлаш мақсадида ўз атрофига машҳур санъаткор ва олим, донишмандларни тўплади, уларни иш билан таъминлади, истеъдод эгаларига ҳомийлик қилди. Ўзидан сўнг унинг набираси Лорендо бу ишни давом эттирди. Флоренция XV аср давомида Италиянинг муҳим маданий ўчоғи, илк Уйғониш санъатининг ватанига айланди. 1453 йил Византия турклар томонидан босиб олингандан кейин, у ердаги олим ва санъаткорлар Флоренцияга кела бошладилар. Флоренция грек тили, адабиёти ва фалсафасини, ўрганиш марказига айланди. Шу ерда Платон академияси, кутубхона ташкил этилди. Антик дунё санъати ёдгорликларини ўзида мужассамлаштира бошлаган биринчи бадий музей юзага келди. Булар сўзсиз, кватроченто санъати характерида ўз ифодасини топди.

Илк Уйғониш даври тасвирий санъатида пайдо бўлган янги тенденциялар дастлаб ҳайкалтарошликда кўрина бошлади. Ҳайкалтарошликда янги давр санъати тенденциялари рангтасвирга нисбатан илгарироқ пайдо бўлишига сабаб, дастлаб бу санъатнинг ўрта аср ибодатхоналар қурилишида кенг ўрин олганлигидир. Чунки ибодатхона ва дин билан боғлиқ бўлган катта бинолар қурилиши қошида ҳайкалтарошлик, декораторлик устахоналари ҳам мавжуд бўлиб, бу устахоналарда бўлажак санъаткорлар меъморлик, ҳайкалтарошлик ҳамда заргарлик сирларини ўрганишар эди. Бу,

албатта, янги давр пластик санъати равнақига замин яратди. Шундай устахонада таълим олган ҳайкалтарошлардан бири Лоренцо Гиберти (1378-1455 йилларда яшаган)дир. Унинг ижодида ўрта аср ҳайкалтарошлигидан янги давр реализмига ўтиш ўзига хос йўналишда содир бўлди. Заргарлик асосларини эгаллаган бу санъаткор ҳайкалтарошлик асарларида ҳам заргар сингари ҳар бир деталь ва образнинг тугал, аниқ шаклга эга бўлишига ҳаракат қилди.

Флоренция рангтасвири XV асрда реализм йўлига кириб кела бошлади. Рассомлар готика таъсиридан қутулиб, Жотто ижодининг илғор томонларини ривожлантирдилар. Монументал рангтасвирдаги «аль-фреско» кўриниши ўзининг энг гуллаган даврини бошидан кечирди.

Флоренция рангтасвирида Мазаччо номи билан машҳур бўлган Томмазо ди сер Жованни ди Симоне Кассаи муҳим ўринни эгаллади ва унда реалистик йўналишни бошлаб берган йирик санъаткор сифатида танилди. Мазаччо 1401 йили нотариус оиласида дунёга келди ва жуда эрта отасидан етим қолди. Ун олти ёшида Флоренцияга келади ва шу ерда рассомлик асосларини эгаллайди, рассомларга шогирд тушиб, уларга деворий суратлар ишлашда ёрдам беради. Филиппо Брунеллески ва Донателло ижодини қунт билан ўрганади. Вазари таъбирича, у ўз асарларининг табиий, жонли ва реал борлиққа ўхшаб чиқишига катта эътибор беради. Натижада у тезда Флоренция рангтасвирида кўзга кўринган рассомлардан бирига айланади. Мазаччо жуда қисқа, 27 йил умр кўрди (1428 йили вафот этган), лекин шу умри давомида яратган санокли асарлар Италия санъатининг кейинги тараққиётида муҳим роль ўйнади. Рассом ўз ижоди давомида жасур инсоннинг умумлашма, идеал образларини яратишга ҳаракат қилди. Диний мавзудаги композицияларда ўз замондошлари қиёфасини тасвирлашдан чўчимади. Рассом яратган композициялар чизик ва ранг перспективаси қонунлари

асосида ишланганлиги, ҳар бир образнинг анатомик тузилиши, одам жуссасидаги нур-соя ўзгаришлари, уни муҳит билан акс эттириши, шу билан бирга, образлардаги яхлитлилик рассом замондошлари, улардан кейинги авлод учун ҳам ҳақиқий ўрганиш мактаби бўлди. Мазаччо ижодидаги ана шу хислатлар унинг Флоренциядаги Сант Мария дель Кармине черковининг Бронкаччи капелласига ишлаган деворий суратларида яққол намоён бўлди. Бу суратлар рассомнинг асосий иши, ижодининг чўққиси ҳисобланади. Бу суратларда рассомнинг новаторлиги, санъатга қўшган ҳиссаси намоён бўлади. Суратларда апостол Петр тарихи ва тавротдан олинган воқеалар акс эттирилади. Булар ичида «Жаннатдан қувилганлар», «Статир мўъжизаси» каби суратлар диққатга сазовордир.¹²

XV аср ўрталаридан бошлаб, кватроченто санъати принциплари Италиянинг бошқа шаҳарларида ҳам тарқала бошлади. Агар илк Уйғониш даврининг дастлабки босқичида Флоренция Италия бадий ҳаётида муҳим марказ вазифасини ўтаган бўлса, эндиликда аҳвол бутунлай ўзгара бошлади. Италиянинг ўрта ва шимолий қисмида ўзига хос рассомлик мактаб ва йўналишлари юзага кела бошлади. Булар ичида Умбрия, Падуя, Венеция санъати ажралиб туради. Турли бадий мактабларнинг ташкил топганлиги, энг аввало, мамлакат ичкарисида яғоиа бирликпинг йўқлиги, Италия район ва шаҳарларида турли сиёсий тузумнинг мавжудлигидан далолат беради.

Тосканонинг шимоли-шарқий томонида жойлашган Умбрия ерлари XV аср ўрталарида Италия Уйғониш даврининг муҳим бадий марказларидан бирига айланди. Умбрия шаҳарлари шимолий Европа ва Византия билан алоқада бўлди, санъатда содир бўлаётган янгиликларни ижодий ўзлаштирди. Бу Умбрия мактабининг ўзига хос томонларини белгилашда муҳим роль ўйнади. Бу мактабга хос фазилат ишланган

¹² Абдуллаев Н. Санъат тарихи. - Т.: Ўқитувчи. 1986. – Б.215-216.

асарнинг рангдорлиги, лирик ечими ва сержилолигида сезилади. Бу хислатлар шу мактабнинг етук вакиллари Перуджино, Пентурикконо ва айникса, Пьетро делла Франческа ижодида яққол сезилади.

Атлантика океани орқали янги савдо йўлларининг очилиши, 1453 йили Истамбулнинг турклар томонидан босиб олиниши, Шарқ ва Ғарб орасидаги савдо йўлларининг аҳамияти йўқолишига олиб кела бошлади. Яқинлашиб келаётган инқироз ижтимоий ва иқтисодий ҳаётга ўз муҳрини қўя бошлади. XV аср охирларига келиб, шаҳар хунармандлари табақаларининг демократик ҳаракатлари кучайди. Бу санъат тараққиётида янги замин ярата бошлади. Бу хусусият дастлаб Флоренцияда ўзини кўрсата бошлади.

Илк Уйғониш даври ўзининг умрини тугатиб, юқори Уйғониш даврига асос ярата бошлади. Бу давр Флоренциянинг ҳукмдори «Ажойиб-ғаройиб Лоренцо»¹³ деб ном чиқарган Лоренцо Медичи кўзғолон ва норозиликларни қаттиққўллик билан босиб, ҳукмдорлигини сақлаб қолди. У ўз давлатини тинч ва осойишта кўрсатиш мақсадида машҳур санъаткорларни тўплади, уларнинг ижодидан ўз давлатининг обрўсини оширишда фойдаланди. Лекин бу ташки томондан фаровон ва осойишта кўринган Флоренция ичида пессимистик, эртанги кунга умидсизлик билан қараш кайфияти ҳукм сураб эди. Ана шу кайфият етук ижодкорларнинг асарларида, жуда нозиклашган сарой санъати кўринишида намоён бўлади. Бу хусусият шу хонадон буюртмалари билан ижод қилган санъаткорлар Доменико Гирландайо (1449-1494 йилларда яшаган), Сандро Боттичелли (1445-1510 йилларда яшаган), Андреа Вероккио (1435/36-1488 йилларда яшаган) ижодида яққол кўринади. Доменико Гирландайонинг асл номи Доменико ди Томмазо Бигорди бўлиб, у портрет, тематик композициялар устида меҳнат қилди. Рассомнинг диний мавзудаги деворий суратлари замонавий ҳаёт,

¹³ Абдуллаев Н. Санъат тарихи. - Т.: Ўқитувчи. 1986. – Б.221.

турмуш тарзини акс эттирувчи композицияларга ўхшаб кетади. Воқеалар гўё Флоренциянинг кўча ва хонадонларида бўлаётганга ўхшайди. Қатнашувчи образлар ҳам флоренцияликлар, асосан, медичилар хонадони ва бошқа бой хонадонларнинг аъзолари, гуманистлар, ёзувчи, шоир, рассомлардир.

XV аср иккинчи ярмида Венецияда ҳам Уйғониш санъати принциплари ривожлана бошлади. Унинг йирик вакиллари Жованни Беллини (1430-1516 йилларда яшаган), Витторе Карпаччо (тахминан 1456-1526 йилларда яшаган) ижоди эса, Италия илк Уйғониш даврининг юқори Уйғониш даврига ўтиш чегарасини белгилади. Византия, Ғарбий Европа давлатлари билан яқин алоқада бўлган бой савдогарлар республикаси Венеция санъаткорлари Шарқнинг бой, сержило ва ёрқин санъати ва готика анъаналарини ўзлаштирган ҳолда ўзига хос жозибадор санъат мактабини яратишга муяссар бўлдилар. Шу ерда мойбўёқ техникаси ривожланди, Венециянинг юқори Уйғониш даври санъати ўз принципларини шакллантирди, кейинги Венециянинг буюк колористлари учун замин яратди. Венеция кватрочентоси принциплари Пизанелло ва Жентиле да Фабриона ижодида кўрина бошлаган бўлса, Витторе Карпаччо ижодида ўзининг тўлиқ ифодасини топди. Унинг мойбўёқда ишлаган диний мавзудаги асарларида рассом замондошлари, уларни ўраб олган муҳит, табиат, меъморлик кўринишлари акс эттирилди. Венеция каналларида сузиб бораётган гандолалар, балкондан ташқарини томоша қилиб ўтирган аёллар тасвири - буларнинг ҳаммасида рассом замонасининг руҳи ўз ифодасини топган.

Сўзсиз, Венеция кватрочентоси ривожланишида Беллинилар оиласи - Якопо Беллини ҳамда унинг икки ўғли - Жентиле ва Жованниларнинг қўшган ҳиссаси каттадир. Жованни Белини шу оила аъзолари ичида мойбўёқ техникасини мукаммаллаштириш ва

ривожлантиришга катта ҳисса қўшган бўлиб, ранглар жилоси бойлигидан, инсон руҳий оламини очишда табиат кўриниши имкониятларидан унумли фойдаланди. У ҳикоянавислик, майда-чуйда деталларга эътибор беришдан воз кечиб, ўз диққатини, энг аввало, яхлит ва тугал шаклларда инсоннинг маънавий қиё-фасиний очишга ҳаракат қилди. Унинг асарлари ўзининг бой колорити, мувозанатли, вазмин композицияси, ҳар бир образ характерининг очиб берилиши ва таққосланиши билан Италияда кватрочентодан юқори Уйғониш даврига ўтиш принципларини намоён қилади.

Венеция мактаби Италия кватрочентосига якун ясади. Илк Уйғониш даври санъати антик санъат анъаналарини янги давр талаблари асосида қайта тиклади. Кватрочентистлар диний мавзудаги сюжетларга асарлар ишлаб, уларда азалий масала - инсон ва табиат, инсонийлик проблемаларини кўтариб чиқдилар. Бу фазилатлар юқори Уйғониш даври учун муҳим замин эди.

Француз қўшинларининг Италия ерларини босиб олиши унинг сиёсий ва иқтисодий қудратини бўшаштириб юборди. Мамлакатнинг душманга тўлиқ қарам бўлиб қолиш хавфи тугилди. Ана шу даврда халқнинг ўз озодлиги, миллий бутунлиги учун кураш туйғуси ортди, бошқаришнинг республика формаси учун курашдилар. Бу катта ва муҳим ижтимоий кўтаринкилик юқори Уйғониш даври санъати ривожланишининг заминини ташкил этди. Юқори Уйғониш даври принциплари Италиянинг муҳим бадийий марказлари бўлган Флоренция, Рим ва Венецияда ўзининг тугал кўринишларини намоён этди. Юқори Уйғониш даври нисбатан қисқа, яъни XV асрнинг 90-йилларидан XVI асрнинг 30-йилларига қадар бўлган даврни ўз ичига олади. Лекин мазмунан бу давр жуда улуг ва Италия санъати тараққиётининг «олтин асри» ҳисобланади. Шу даврда яшаб ижод этган буюк титанлар Леонардо да Винчи, Рафаэль Санти, Микеланжело, Тициан ўз моҳияти

жиҳатидан чуқур, маҳорати жиҳатидан юксак, баркамол асарлар яратдилар. Улар ўзларининг ҳар томонлама ўткир ва билимдонликлари билан ҳам ўз даврларининг идеал кишилари тимсолига айландилар. Улар яратган образлар эса гуманистик ғояларни ўзида мужассамлантирди.

Жисмоний бақувват, маънавий баркамол, ҳар қандай диний таъсирлардан холи бўлган, ўзи ва ўзгалар учун кураша оладиган, халқ манфаатини ўз манфаатидан юқори қўя оладиган инсон даврининг, санъат асарларининг бош қаҳрамонига айланди. Шу билан бирга, шу юқори Уйғониш даври санъати қўйнида тушкунликни тарғиб этувчи гуманизм ғояларидан узоқ бўлган манъеризм оқими ёйила бошлади.

Флоренция илк Уйғониш даври традициялари юқори Уйғониш даври учун асос қилиб олинди ва ривожлантирилди. Тасвирий санъатда содир бўлган хусусиятлар ҳам меъморликдаги сингари улуғворликка, умумлашган образлар яратиш ҳамда монументаллаштиришга ҳаракат қилишда намоён бўлди.

Инсонпарварликда натурал фалсафий қарашлар мавжуд бўлган. Инсон ва табиат уйғониш давридаги дунёни англашнинг доимий предмети (ўрганиш доираси) булган. Бу даврда моддий ёки рухий борлиқдан дунёнинг вужудга келиши масаласи асосий диққат марказда бўлди. Онг ва сезги оркали оламни билиш ғояси XVI асрдаги илғор мутафакирларни тушунчаларини ташкил этди. Бу ғоянинг асосчиларидан бири Леонардо да Винчи бўлиб, у "бизнинг барча билимларимиз сезишдан бошланади" деган. У фан билан ҳаётни яқиндан боғлаш тарафдори булган. "Фан - бу лашкарбоши қўмондон бўлса, амалиёт эса аскар, солдатдир" деган афоризм ҳам унга тегишлидир. Олам осмон жисмларидан бири бўлган ер - бутун борлиқнинг маркази эмас, деган ғояни ҳам Леонардо да Винчи айтган.

Уйғониш даврининг энг йирик вакилларида бири, шак-шубҳасиз, бу - Леонардо да Винчи ҳисобланади.

Леонардо да Винчи 1452 йилда туғилиб 1529 йилда вафот этган. Келгусида буюк шахс бўлиб етилган ёш Леонардо 1452 йилда Винчи кишлоғи яқинида натариус оиласида дунёга келди. Леонардо 17 ёшида отаси Флоренцияга кўчиб ўтади. Шу ерда Леонардо Андреа Веронико устохонасида тасвирий санъат борасидаги билимини оширди. У ўз устози Вероккиога ёрдамлашиб унинг «Исони чўқинтириш» (тахминан 1476 йилда яратилган бўлиб, Флоренция галериясида сақланмоқда) асарининг чап томонидаги фаришта расмини ишлади ва устозидан ҳам мохирлигини кўрсатади. Леонардо санъатнинг кўпгина турларида ўз кучини синаб кўрди. Математика, механика, физика соҳасида илгор фикрларни илгари сурди Унинг учун санъат ҳаётни билиш воситаси бўлди. Рассомнинг «Гул ушлаган Мадонна» асари, ҳаётни ўрганиш заминида юзага келган қалб ҳарорати билан иситилган ва ҳаётга бўлган муносабатини ифодаловчи асарларидир. Леонардо да Винчи меъмор сифатида ҳам Миланда бир катор санъат проектлари ишлади «Фордаги Мадонна» (1483-1484 йилларда яратилган), «Сирли оқшом» (1495-1497 йилларда яратилган) каби асарларини Миландаги «Сант Мария делла Грация» монастри учун ишланган суръати уни наватор рассом даражасига кўтаради. Милан Франция кўшинлари томонидан босиб олинган йили Леонардо Флоренцияга қайтиб келади. Бу ерда машҳур “Моно Лиза” (Жаконда) асарини ишлайди. «Моно Лиза» портрети (1503 йилда яратилган деб тахмин қилинади) жаҳон рангтасвиринг машҳур ёдгорлигидир. Бу портрет билан Европа санъатида чуқур психологик портрет санъати бошланади.

2. Леонардо да Винчининг ҳаёти ва ижодий фаолияти

Уйғониш даври маданиятининг энг буюк арбобларидан бири, бу шакл-шубҳасиз Леонардо да Винчи (у 1452 йилда туғилиб 1529 йили вафот этган) ҳисобланади. Леонардо да Винчи Италиядаги Винчи қишлоғи яқинида, нотариус оиласида дунёга келди. Леонардо 17 ёшлиқ пайтида отаси Флоренцияга кўчиб ўтади. Шу ерда Леонардо Андреа Вероккио устахонасида тасвирий санъат борасидаги билимини оширди. У ўз устози Вероккиога ёрдамлашиб, унинг «Исони чўқинтириш» (тахминан 1476 йил, Флоренция, Уффици галереясида сақланмоқда) асарининг чап томонидаги фаришта расмини ишлайди ва устозидан ҳам моҳирлигини кўрсатади.¹⁴

Юқори Уйғониш даври услубининг асосчиси ва типик вакили Леонардо да Винчи санъатнинг кўпгина турларида ўз кучини синаб кўрди, математика, механика, физика соҳасида илғор фикрларни илгари сурди. Леонардо учун санъат ҳаётни билиш воситаси бўлди. Унинг реал воқелик асосида ишлаган суратлари кейинчалик илмий асарлари учун иллюстрация вазифасини ўтади. Ижодкор характериға хос бўлган бу хусусият у яратган рангтасвир асарининг ўзига хос томонларини белгилайди. Унинг ҳар бир асари ҳаётни ўрганиш замирида юзага келган, ижодкорнинг қалб ҳарорати билан иситилган ва ҳаётга бўлган муносабатини ифодаловчи асарлардир. Рассомнинг «Гул ушлаган Мадонна» (Бенуа Мадоннаси) деб номланган илк асарида шундай хислатлар мавжуд. Рассом композицияда ортиқча деталь ва лавҳалардан воз кечиб, тасвирланувчининг характеристикасини кучайтиришга, шакллари умумлаштиришга интилган. Композицияда ёш она тиззасида ўтирган гўдакнинг она қўлидаги гулга талпинаётган пайти тасвирланган. Тепа томондан тушаётган ёруғлик тасвирнинг

¹⁴ Абдуллаев Н. Санъат тарихи. - Т.: Ўқитувчи. 1986. – Б.225.

янада яққол кўринишига имконият яратган. Дарчадан кўринаётган осмон композиция мувозанатлигига хизмат қилиб, образни ческиз табиат билан узвий боғлаган. Асарда ҳеч қандай диний-мистик кайфият йўқ. Она ва бола боши атрофига ишланган тилла гардишни ҳисобга олмаганда, ҳаммаси оддий флоренцияликнинг уйидаги бахтни, она ва бола шодлигидаги гўзалликни куйловчи асар сифатида намоён бўлади. Бу асар дунё сирларини билишга қизиққан, нур ва гўзалликка интилган инсонни севган рассомнинг дунёқарашини намоён қилади. .

Рассом ҳар бир асар устида узоқ вақт ишлар, ишланадиган ҳар бир образ ва деталнинг ҳаётий бўлиши учун дастлаб уларни алоҳида натуранинг ўзидан ишлаб, ўрганиб, сўнг композицияга кўчирар эди. Бу унга берилган буюртмаларнинг баъзан вақтида тугалланмаслигига сабаб бўлар, буюртмачи билан низолар келиб чиқар эди. «Сехргарлар таъзими», «Авлиё Иероним» каби асарларнинг яримтугал ҳолатда қолишига ҳам сабаб шудир. Леонардо Миланда яшаган кезлари 1482-1499 йилларда у ўзини олим, рассом, инженер сифатида намоён этиш имкониятига эришди. У ўз фаолиятини ҳайкалтарошлик билан бошлади. Милан ҳокими Лодовико Моро отаси учун ёдгорлик моделини ишлади. Лекин 1499 йили Миланнинг француз қўшинлари томонидан босиб олиниши бу ишни амалга ошириш имкониятини бермади.

Меъмор сифатида ҳам Леонардо Миланда бир қатор сурат ва проектлар ишлади. «Фордаги мадонна» (1483-1494 йилларда яратилган), «Сирли оқшом» (1495-1497 йилларда яратилган) каби машҳур асарларини яратди. Миландаги «Сант Мария делла Грацие» монастри учун ишлаган машҳур «Сирли оқшом» деворий сурати Леонардо да Винчини новатор рассом даражасига кўтаради. У Инжилдан олинган

анъанавий сюжетни эркин ва асосан, образларнинг ҳис-туйғу ва кечинмаларини ишонарли талқин этиши ҳисобига очади.¹⁵

Милан француз кўшинлари томонидан босиб олинган йили Леонардо Флоренцияга қайтиб келади. Бу ерда «Ангиари олдидаги жанг» деворий суратининг картонини яратади, шунингдек, ўзининг машҳур асари «Мона Лиза» (Жаконда) асарини ишлайди. «Мона Лиза» портрети (1503) жаҳон рангтасвирининг машҳур ёдгорлигидир. Бу портрет билан Европа санъатида чуқур психологик портрет санъати бошланади. Аслида хотиржам, ўз суҳбатдошига нисбатан самимий ва меҳр кўзи билан боқиб ўтирган флоренциялик аёл тасвирланган. Унинг ортида мураккаб табиат кўриниши акс эттирилган. Аёл шу табиатнинг ажралмас қисми ва у билан узвий боғланган. Сочлари, кийимларидаги букланиш ва жимжималар гўё табиат ритмини қайтараётгандек туюлади. Ана шулар фонида майин ва нозик қилиб ишланган аёл қиёфаси, ниҳоятда чиройли кўллари янада латофатли ва гўзал бўлиб туюлади. Бу латофат ва гўзаллик унинг нигоҳидаги самимийлик ва меҳрибонлик билан уйғунлашиб, идеал гўзал инсон қиёфасини гавдалантиради.¹⁶

Леонарда да Винчи санъатнинг турли жанрларида ижод қилган серқирра ижодкор ҳисобланади. Масалан ботал жанрида. Ботал жанр - “ботал” французча сўз бўлиб, “жанг”, “уруш” маъносини билдиради. У жанг манзараларини ўзида акс эттиради. Бу жанрда жанг ва ҳарбий юришлар манзараси асосий ўринни эгаллайди. Боталист - рассомларнинг асарларида жангчи образи, унинг қаҳрамонлиги, мардлиги, жасорати ҳамда ўз она Ватанига бўлган чексиз муҳаббати ифодаланади. Леонардо да Винчи ана шундай мусаввирлардандир. Шунингдек, анималистик жанрда ҳам ижод қилган. Анималистик жанр - ўзгача

¹⁵ Абдуллаев Н. Санъат тарихи. - Т.: Ўқитувчи. 1986. – Б.226.

¹⁶ История искусства зарубежных стран 17-18 веков - М.: Изобразительное искусство. 1988. – С.231.

тасвирий санъат туридир. У лотинча “анима”, “хайвонот олами” деган маънони билдиради. Анималистик рассом хайвонот дунёсига зўр қизиқиш, севги ва маҳорат билан ёндошади. Хайвонот дунёси ибтидоий одамлар ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлган. Ўша даврда улар ғорларининг деворларига кийик, қўтос, мамонтларнинг суратларини чизганлар. XVI асрга келиб хайвонот олами анатомиясини буюк мусаввир Леонардо да Винчи ишлади.

Инсонни куйлаш, унинг қаҳрамонлиги, ақл-заковатини улуғлаш Уйғониш даврида портрет санъатининг қайтадан туғилишига олиб келди. Портрет санъатида ифодаланадиган инсондаги нозик ҳис-туйғулар ўзининг бутун борлиги билан Уйғониш даврининг буюк санъаткори Леонардо да Винчи ижодида ўз ифодасини топди.

Рассом асарлари ўзининг рангдор ва сержилвалигидан ташқари, нурга бойлиги билан ҳам фарқланади. Нур композициядаги ҳамма рангларни бирлаштиргани ҳолда асарларга ўзига хос қайтарилмас жозиба бахш этади.

Буюк рассом ўзининг “Рангтасвир ҳақида китоб” асарида шундай деб ёзади: “Портретлар учун мен ўзимнинг алоҳида устахонамга эгаман. Узунасига қурилган қасрсифат бино, тўрт бурчакли, энига ўн ва узунасига йигирма қадамдан иборат. Деворлари қора рангга бўялган ва деразаларига қалин мато-парда тортилган. У қуёшдан химоя қилади ва ўзим истагандек ижод қила оламан.”¹⁷

Буюк рассомга бундай шароитни флоренциялик бой-бадавлат инсон, Синьорий комиссари, Сэр-Пьеро ди-Барто-Мартелли яратиб берган эди.

Леонардо да Винчининг умри давомида яратган асарлари Италия санъатининг кейинги тараққиётида муҳим роль ўйнади. Рассом

¹⁷ Мережковский Д.С. Воскресшие боги. Леонардо да Винчи. - М.: 1990. – С.314.

Ўз ижоди давомида жасур инсоннинг умумлашма, идеал образларини яратишга ҳаракат қилди. Диний мавзудаги композицияларда ўз замондошлари қиёфасини тасвирлашдан чўчимади. Рассом яратган композициялар чизик ва ранг перспективаси қонунлари асосида ишланганлиги, ҳар бир образнинг анатомик тузилиши, одам жуссасидаги нур-соя ўзгаришлари, уни муҳит билан акс эттириши, шу билан бирга, образлардаги яхлитлилик рассом замондошлари, улардан кейинги авлод учун ҳам ҳақиқий ўрганиш мактаби бўлди.

Леонардо да Винчи учун табиат ва инсон ажралмасдир. Хотира дафтарларида у ҳамма нарсанинг расмини: гулларни, эман ёнғоғини, мушукни, куш қанотларини, матонинг қатини, от оёқларини синчковлик ва буюк кузатувчанлик билан чизиб борган. У инсон ва ҳайвонларнинг тана тузилишини яхши билганлиги сабаблигина ажойиб картина ва расмлар ярата олган десак хато бўлмаса керак. Шундай картиналардан бири - “Ангъари яқинидаги жанг”. Унда отлик жангчиларнинг аёвсиз олишуви тасвирланган. Леонардо да Винчининг ўзи бу картинада “ниҳоятда ваҳшиёна урушни” тасвирлаганлигини айтган.¹⁸

Леонардо да Винчи умрининг охирида илмий кузатиш ва уларни системалаштириш устида иш олиб боради. Ранг-баранг тасвир ҳақида рисола ёзишга киришади. Бу рисола тугалланмаган бўлса ҳам, тўпланган ва сақланиб қолган қисмлари уни реалистик санъатнинг етук назариётчиси сифатида намоён қилади. Унинг чизик, ранг перспективаси, рангшунослик ҳақида ёзиб қолдирган фикрлари ханузгача ўз қийматини йўқотмаган.

Уйғониш даври маданиятининг энг буюк арбобларидан бири, Леонардо да Винчининг ҳаёти ва ижодий фаолияти билан кўплаб олимлар изланишлар олиб борганлар. Улардан бири Дмитрий Сергеевич Мережковскийдир. У 1865-1941 йилларда яшаган. Петербург университети

¹⁸ История искусства зарубежных стран 17-18 веков - М.: Изобразительное искусство. 1988. – С.232.

тарих-филология факультетини тамомлаган бўлиб, шеърят, наср, драма, эссе, адабий танқид, бадиий таржима каби соҳаларни эгаллаган кенг фикрли, қобилиятли шахс эди. Унинг “Тирилган худолар. Леонардо да Винчи” тарихий асари (1900 йилда ёзилган) рус тилида нашр юзини кўрганидан сўнг кўп ўтмасдан немис, француз, инглиз, поляк, итальян тилларига ўтирилган.¹⁹

Мережковскийнинг “Тирилган худолар. Леонардо да Винчи” номли тарихий асарида Леонардо да Винчининг ҳаёти ва ижодий фаолияти исбот-далилларга таянган ҳолда атрофлича баён қилиб берилган.

Асарда ёзилишича, Леонардо да Винчидан жуда кўплаб қўлёзмалар қолган бўлиб, уларда буюк дахонинг илмий изланишлари ўз аксини топган. Унинг барча қўлёзмалари тарқоқ ҳолда бўлиб, улардан бирортаси ҳам нашр қилиш учун тайёрланмаган экан. Лекин шу нарса аниқки, уларни ўрганиш учун инсонга анчагина сабр ва албатта, кўзгу-ойна керак бўлади. Сабаби буюк дахонинг бу қўлёзмалари ўзга бир усулда, яъни одатдагидан тескари ҳолда ёзилганлигидир.

Леонардо да Винчининг қўлёзмалари биз учун жуда ажойиб ва ғаройиб янгиликларни олиб келмоқда. Унда ниманинг ўзи йўқ, дейсиз. Ҳам жанговар ғилдираклар, ҳам портловчи снарядлар, ҳам янги кўринишдаги артиллерия ускуналари, ҳам танклар, ҳам токарлик дастгохлари, ҳам ер қавлайдиган эксковаторлар, ҳам сув чанғилари, ҳам ғоввосларнинг кийимлари, ҳам сув устидаги кичик қайиқлар - буларнинг барчаси леонардонинг сер қирра ижодкорлигидан дарак беради.

Леонардо да Винчи сув остида фаолият олиб бориш учун мўлжаллаган кўплаб ихтиро-чизмалар қолдирган бўлиб, уларда шундай ёзув бор: “Мабодо тўрт соат ичида таслим бўлмасангиз - сув остига тушиб кетасиз. Леонардо”.²⁰

¹⁹ Мережковский Д.С. Воскресшие боги. Леонардо да Винчи. - М.: 1990. - С.425.

²⁰ Ўша манба - С.420.

Шунингдек, у турли учар жисмлар: самолёт ва вертолётларнинг нусхалари, парашютларнинг чизмаларини қолдирган.

Афсуски Леонардо чизмаларининг аксарияти фақатгина қоғозларда қолиб кетган.

Мережковскийнинг “Тирилган худолар. Леонардо да Винчи” номли тарихий асари орқали биз унинг аниқ туғилган вақтини билиб оламиз, 1452 йил апрель ойининг 15 куни.

Шунингдек, Леонардо да Винчининг Усманийлар империясининг султони Боязид II номига юборган хати орқали, унинг жуда катта лойиха, яъни Босфор бўғозига қуриш мумкин бўлган жуда узун кўприкнинг лойихасини ҳам яратганлигини билиб оламиз. Унинг бу лойихаси деярли 500 йилдан сўнггига амалга оширилганлигини ҳаммамиз яхши биламиз. Ҳозирги вақтда Босфор бўғозидида иккита улкан кўприк қурилиб фойдаланишга топширилган.

Тадқиқотлардан шу нарса маълумки, Леонардо да Винчи чапақай бўлган экан. У барча ёзувларини одатдагидан тескари холда, чапдан ўнгга қараб эмас, балки араб ёзувидек, ўнгдан чапга қараб ёзган. Унинг ёзувларини ўқиш учун эса албатта, тадқиқотчига ойна-кўзгу керак бўлади. Сабаби Леонардо да Винчи ўз қўлёзмаларидаги харфларнинг барчасини тескари холда ёзганлигидир.

Леонардо да Винчининг шунингдек медицина соҳасида ҳам кенг камровли изланиш-тадқиқот олиб борганлигини унинг қолдириб кетган қўлёзмаларидан билиб олишимиз мумкин. У ўзининг медицинага оид илмий изланишларини Сан-Спирито касалхонасида олиб борганлигини биз Мережковскийнинг “Тирилган худолар. Леонардо да Винчи” номли тарихий асаридан билишимиз мумкин.²¹

Хулоса қиладиган бўлсак, Леонардо да Винчи машҳур рассом, ҳайкалтарош ва архитектор бўлган. Шунингдек, у ажойиб инженер,

²¹ Мережковский Д.С. Воскресшие боги. Леонардо да Винчи. - М.: 1990. – С.296-300.

математик ва анатом ҳам эди.

У расм чизар, ихтиролар қилар, асбоблар яратарди. Ундан 7 минг саҳифага яқин хотира дафтарлари ва кўлёмалар қолган. Ҳозиргача улар тўлиқ ҳолатда ўрганиб чиқилмаган.

Тадқиқотчилар Леонардо да Винчи кўлёмаларининг ичидан учиш аппаратлари, парашют, сув ости кемаси, автомат тўқув станогии, вертолёт каби ажойиб нарсаларнинг лойиҳаларини топдилар. Бир неча юз йиллардан сўнг буларнинг барчаси олим-ихтирочилар томонидан қайтадан ихтиро этилди. Шунингдек, унинг каналлар, металлургия печлари ва прокат станлари, босма ва ер ковлаш машиналари бўйича чизган лойиҳаларини ҳам топишди. Самолёт пайдо бўлмасидан юз йиллар аввал Леонардо да Винчи қушни эслатувчи учиш апаратини ҳам яратди.

Бироқ ўша давр техникасининг паст даражаси туфайли Леонардо да Винчи ижодий ниятларини амалга ошира олмади.

Лекин рассом - Леонардо да Винчининг асарларига анчагина бахтли тақдир насиб этди. У яратган картиналар ва сон-саноксиз расмлардан замондошлари ҳам, уларнинг узоқ авлодлари ҳам завқланишган. Хатто ҳозирги кунда ҳам рассомнинг жуда бўлмаганда биргина асарини томоша қилиш учун кишилар соатлаб навбат кутишадилар.

3. Леонардо да Винчи - Уйғониш даври маданиятининг энг буюк арбоби

Тарих фани ўқитилиши жараёнида ўқувчилар ўтган асрларнинг буюк намояндаларининг таржимаи ҳоли билан танишадилар. Уларнинг мақсади, илғор ғоялари, кураши ва қаҳрамонликлари билан. Улар намуналари, ўқувчилар учун мактаб сифатида кўрилиб, уларни ўзларининг мақсадига садоқати ва шу мақсад сари юриши, қийинчиликларни енгиши намуна сифатида кўриш мумкин. Улар мақсад сари интилишида нимадан воз кечганлиги, ватани ва халқига ҳизмат ва ўзини қурбон қилиши тушинганлар. Ижобий қаҳрамонлар ва буюк шахслар ўқитувчиларга нима яхши деган саволга жавоб айта олганлар. Ушбу етарлими? Яхши ғоя чуқур ва тушунарли қабул қилинади ва салбий ҳаракатлар чиқариб ташланади. Инсон ҳатолари устида ўрганади.

Инсон нима ёмон эканлигини билиши керак. Диалектика ўргатадики, ҳаракат қарама – қаршиликлар жанги ва уларнинг оқибатини ҳис қилиш керак.

Ижобий қаҳрамон ва тарихий шахсларга ҳар доим салбий адабий ва тарихий шахслар қарама – қарши турадилар.

Шулар мисолида ахлоқий ёмонликлар олиб ташланиши керак. Тарбия жараёнида ижобий қаҳрамонлар қанча кўп бўлса, ахлоқ – одоб кўтарилишида ижобий натижалар келиб сиқиши мумкин.

Бу ҳеч қандай қаршиликларсиз қабул қилинади, чунки қаҳрамонлар ҳам, сиймолар ҳам кўп чиройли сўзларбилан ифода этилган, лекин тарбия жараёнида етарлими?

Бундай жараённи қайтаришлиши, бир хиллиги ижобий натижалар олиб келиши қийин. Сон сифатини таъминлай олмайди ва бу қайтарилишлар салбий натижалар олиб келиши ҳисобга олиниши керак. Ҳар қандай факт ва ғоялар қайтарилиши. Ўқувчиларга ўзгача қирралар билан етказилса мақсадга

мувофиқ бўлар эди.

Шунда ўқувчиларга қаҳрамонларнинг нотаниш ёки кутилмаган қирралари очилади. Бундай бурилиш ўқувчини ҳайрон қолдиради ва уни қизиқиши ортади. Бундай бўлмаганда ўқувчиларда зерикиш хусусияти ортади ва руҳиятига таъсир этмайди. Лекин ўқувчини тарбия воситаси сифатида қараш нотўғри бўлади. Бундай жараёнда ҳар қандай яхшилик, омадсизликни олиб келиши мумкин. Ўқувчини менсимаслик унинг руҳияти сезмаслик, уни мақсад сари интилишини ҳисобга олмаслик мумкин эмас.

Бундай маънавий тарбияни тўғри деб баҳоламайди, чунки ўқувчи унга қандайдир бир нарса сингдира олаётганлигини фахмлаб олади. Бу ички дунёвий қаршилиқни олиб келади.

Флоренциялик Леонардо да Винчи (1452-1519 йилларда яшаган) Италиядаги Уйғониш даври маданиятининг энг буюк арбоби эди, десак хато қилмаган бўламиз. Ёш Леонардонинг отаси кичкина Винчи шаҳрида нотариус бўлиб ишлаган. Леонардо да Винчи ёшлигидан яхши билим олди. У буюк олим, истеъдодли меъмор, муҳандис, конструктор ва рассом бўлиб етишди. Леонардо 18 ёшдалигида унинг отаси Флоренция республикаси ҳукуматига ишга ўтди. Флоренцияда у ўғлини ҳайкалтарош ва рассом Андреа Веррокога шогирдликка беради. Тарихчи ва санъатшунос Вазарининг ёзишича, Верроко 1476 йили «Исонинг чўқинтирилиши» асарида фаришталардан бирини чизишни шогирди Леонардога топширади. Унинг чизган расмини кўрган Верроко шогирдининг устунлигини тан олиб, сурат чизишдан бутунлай воз кечиб, фақат ҳайкалтарошлик билан шуғуллана бошлаган. Леонардонинг қобилияти ва зехнининг шаклланишида унинг оиласи ва қадрдон ўлкаси манзараси асосий омил бўлди. Рассомнинг бизгача етиб келган илк имзоси ўзи туғилиб ўсган Арно водийси чизилган расмда кўйилган.

Леонардонинг дастлабки олган буюртмаси Флоренциядаги Сан-Донато монастирида «Волхвлар таъзими» асари бўлиб, унинг Миланга юборилиши

туфайли тугалланмай қолади. Флоренция ҳокими Лоренсо Медичи Леонардони Милан герсоги Людовик Сфорса ҳузурига топшириқ билан юборади. Миланга Леонардо ўзи ясаган янги мусиқа асбоби - лирани олиб боради. Ҳаётининг кейинги 1482-1499 йиллардаги энг унумли даврини у Миланда, герцог саройида ўтказган. Санта Мария Делла Грация монастирида Леонардо ўзининг машҳур «Пинҳоний тановул» расмини чизди. Унинг лойиҳасига биноан Милан шаҳрини ичимлик суви билан таъминлайдиган катта канал қурилганди.²²

Леонардо да Винчи 1499 йили Миландан Венецияга ва 1503 йили Флоренсияга қайтди. Бу ерда у каналлар, учар аппаратлар лойиҳаларини чизди. Олим, шунингдек, анатомия, геология, гидравлика ва механика соҳаларида илмий тадқиқотлар олиб борди. Худди шу пайтда Леонардо «Мона Лиза» портрети устида иш бошлаган.

Франция қиролининг Ломбардиядаги ноиби Шарл де Амбуаз таклифи билан Леонардо да Винчи 1516 йили Миланга келди. Уни «биринчи рассом, меъмор ва механик» лавозимига тайинлашди. Франция қироли Франсиск I Леонардо учун Амбуазда 3500 олтин экюга Кло Люсе қалъасини олиб берди. Худди шу ерда да Винчи ўз умрининг охирги йилларини ўтказди. Кло Люседа унинг энг буюк асари «Мона Лиза» портрети чизиб тугалланди.

Леонардо да Винчи рассом сифатида суратини чизаётган кишилар ва уларнинг руҳий кечинмаларига ҳаммадан ҳам кўп эътибор берарди. Леонардонинг «Мона Лиза»си («Жаконда») - ёш жувоннинг портрети, ҳозирги кунга қадар санъатнинг шу соҳасидаги энг машҳур асардир. Рассом бу суратда ёш жувоннинг ташқи қиёфасинигина эмас, балки унинг ички дунёсини, кечинмаларини ва кайфиятини ажойиб, сирли тарзда акс эттириб берган. Санъат соҳасидаги мутахассислар ҳозирги кунга қадар «Мона Лиза»нинг сурати кимдан чизилганиниги устида баҳс қилиб келмоқдалар. Жумладан, машҳур психолог Фрейд Леонардо бу портретда ўз онаси

²² История искусства зарубежных стран 17-18 веков - М.: Изобразительное искусство. 1988. – С.231.

ҳақидаги хотираларини мужассамлаштирган деб фараз қилади. Охирги пайтда компьютер ёрдамида тадқиқотлар олиб борган бир гуруҳ санъатшунослар портретда Леонардо ўзининг расмини чизган деган фаразни ҳам айтишди.

Леонардо да Винчи 1519 йили 2 майда вафот этди. Айтишларича, у ўлими арафасида ёнида бўлган Франция қироли Франсиск II га одамлар учун жуда кам хизмат қилганини айтиб узр сўраган.

Уйғониш даврининг буюк санъаткорлари одамларни ҳозирги кунга қадар қойил қолдираётган нодир асарларни яратдилар.

Ҳиндистоннинг атоқли арбоби Жавоҳарлал Неру ўзининг “Умумжаҳон тарихига нигоҳ” номли китоби²³да Уйғониш даврининг буюк санъаткорларидан бири бўлган Леонардо да Винчи ва унинг ижодига юксак баҳо бериб шундай деб ёзади:

“Бутун Европани қамраб олган тартибсизлик гирдобидан, машаққатли меҳнатлар эвазига Ренессанс деб аталган гўзал бир гул вужудга келди. У даставвал Италияда туғилган бўлса ҳам, ўзига маънан озуқа ва илхом излаб асрлар оша Қадимги Юнонистонга мурожаат қилди. У Юнонистондан гўзалликка нисбатан бўлган мухаббатни олди ва гўзалликнинг шаклан кўринишига маънавий табиатдан олинадиган жуда ҳам кенг қамровли тушунчалар билан бойитди. У мазмунан шаҳар ўсимлиги бўлиб, шимолий Италиянинг шаҳарларидан ўзига бошпана топди. Жумладан, Флоренция илк Уйғониш даврининг ватани бўлди.

Флоренция ўн учинчи ва ўн тўртинчи асрлардаёқ итальян тилида ижод қилган икки буюк шоир, Данте ва Петраркани етиштирганди. Ўрта асрларда узоқ вақт мобайнида йирик сармоячиларни ўзида жамлаган марказ бўлиб турди. У бойлардан иборат кичик бир республикани намоён қилсада, бойларнинг хаммаси ҳам “лойиқ инсонлар” бўлмай, улар буюк инсонларга кўп вақт ахлоқона

²³ Неру Дж. Взгляд на всемирную историю. - М.: Прогресс. 1989. - С.23-27.

муносабатда бўлганлар. Уни “Ўзгарувчан Флоренция” деб аташган. Ўзининг ўзгарувчанлиги, зулмкорлиги ва салбий ҳолатларига қарамай, бу шаҳар ўн бешинчи асрнинг иккинчи ярмида уч ажойиб инсон: Леонардо да Винчи, Микеланджело ва Рафаэлни етиштириб берди. Бу уччаласининг барчаси буюк рассом ва мусаввир бўлганлар. Леонардо ва Микеланджело бошқа соҳаларда ҳам етук бўлишган...

Микеланджело шундай деб айтган: “Инсон қўли билан эмас, ақл-боши билан чизади”²⁴...

Леонардо буларнинг уччаласининг орасида энг каттаси бўлган ва кўп муносабатларда жуда ажойиби бўлган. Хусусан, у ўз асрининг энг муносиб инсони бўлган, аммо шуни унутмаки, бу аср жуда кўплаб ажойиб инсонларни ҳам етказиб берган. Буюк рассом ва хайкалтарош Леонардо, бир вақтнинг ўзида буюк мутафаккир ва олим бўлган. У доимо тажрибалар олиб борган, доим изланган, турли саволларга жавоблар излаган, замонавий фан тараққиётига асос солган биринчи буюк олимлардан бўлган. “Бағри кенг табиат, - деган эди у, - бу дунёнинг ҳар жойидан ниманидир ўрганиб олишимиз учун қайғурганди”.²⁵ Леонардо ўзи мустақил ўқиб ўрганган, ўн уч ёшидан бошлаб латин тили ва математикани мустақил тарзда ўрганишга киришган. У буюк инженер бўлиб етишди, шунингдек, бизнинг танамиздаги қон айланишини биринчи бўлиб аниқлаган. У бизнинг баданимизни қай тарзда тузилганлигидан таажжубга ва хайратга тушарди. “Қўпол одамлар, - деган эди у, - ахмоқона одатлари ва бефойда қарашлари билан жуда ҳам анатомик мураккаб тарзда тузилган танамиздек ажойиб қуролга эга бўлишга нолойиқдирлар. Улар учун озуқаларни қабул қилиб оладиган ва қайта чиқариб турадиган оддий бир қоп бўлса ҳам етарли бўларди, чунки улар учун тана, бу

²⁴ Неру Дж. Взгляд на всемирную историю. - М.: Прогресс. 1989. - С.23.

²⁵ Ўша манба. - С.24.

озуқаларни қайта ишловчи қисм холос”²⁶. Леонардонинг ўзи вегетариан бўлган ва хайвонларни жуда яхши кўрган. Унга бозорлардан қафаслардаги қушчаларни сотиб олиш ва ўша захотиёқ уларни қафасдан чиқариб, озодликка учуриб юбориш одат бўлиб қолганди.

Леонардонинг авиация ва осмонда учуш соҳасидаги изланишлари ҳамда олиб борган тажрибалари энг хайратланарли ишларидан бўлган. У кўзлаган натижасига эриша олмаган бўлса ҳам, бу соҳада анча ишларни амалга ошира олганди. Ҳеч ким унинг назарий қарашлари ва амалий тажрибаларини давом эттира олмаган. Мабодо, Леонардога уч-тўрт киши эргашганда ва ундан кейин ҳам унинг ишини давом эттирганларида эди, балки замонавий самолёт икки-уч юз йил аввалроқ ихтиро қилинармиди. Бу ажойиб ва ғаройиб инсон 1452 қилдан 1519 қилга қадар яшаб ўтган. Унинг ҳаётини “Табиат билан бўлган диалог”²⁷ деб аташади. У доимо саволлар берар ва тажрибалар асосида уларга жавоблар топишга уринар эди; гўё у келажакни тушуниш учун доимо олдинга интилаётгандек туюларди.

Мен уччала флоренциялик ҳақида ёздим, айниқса Леонардонинг ўзига хослигини, чунки у мен жуда ҳам севган арбоб саналади.

Флоренциянинг тор кўчалари бўйлаб, ҳаёт ва табиатнинг сир-саноатларига ечим излаётгандек ҳаёлга чўмган холда Леонардо кезиб юрарди.

Шундай қилиб, Ренессанс Италияда ўн бешинчи асрда бошлаб гуллаб бошлади ва аста-секинлик билан бошқа мамлакатларга ўта бошлади. Буюк рассомлар ўз асарларига жон киритишар, Европанинг галарейлари уларнинг асарлари билан тўларди. Ўн олтинчи аср охирига келганда Италиядаги ренессанс даври инқирозга юз тутди”²⁸.

Демак, Ҳиндистон халқининг атоқли арбоби Жавоҳарлал Неру

²⁶ Ўша манба. - С.24.

²⁷ Неру Дж. Взгляд на всемирную историю. - М.: Прогресс. 1989. - С.24.

²⁸ Неру Дж. Взгляд на всемирную историю. - М.: Прогресс. 1989. - С.25.

Ўзининг “Умумжаҳон тарихига нигоҳ” номли китобида Италиядаги Ренессанс даврининг буюк санъаткорларидан бири бўлган Леонардо да Винчи ҳаёти ва унинг ижодига юқоридагидек юксак баҳо беришининг ўзиёқ буюк ижодкор - Леонардо да Винчи ижодининг асрлар оша ўз қийматини асло йўқотмаганлигига яна бир қарра исбот бўлади.

Дунёнинг кўплаб мамлакатларида Леонардо да Винчи ижодига қизиқиш сира ҳам тўхтамаган, балки йиллар ўтгани сари унга бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Дунёнинг турли мамлакатларида кенг қамровли фаолият олиб борган шахсларга “у Леонардо да Винчига ўхшайди” деган иборани ҳам ишлатишади.

Жаҳоннинг кўпчилик биографлари Томас Жефферсонни Американинг Леонардо да Винчиси деб аташади.²⁹ Нима учун уни шундай деб аташган, деган савол ҳаммамизда туғилиши табиий бир ҳол.

Маълумки, Томас Жефферсон Америка Қўшма штатларининг давлат шаклига келиши ва давлатнинг ижтимоий, синфий ва сиёсий-ҳуқуқий йўналишида прогрессив ғоялари, ақл идрокни ушбу ғояларни амалга оширишга жон фидо этган ҳаёти ва фаолияти Америка инқилоби, колонияликдан озодлик даврига чамбарчас боғлиқ, инқилобга демократик тус йўналишини берган тарихий шахс сифатида ўрин олган. Унинг фаоллигида кучли америка буржуазиясига қарши оппозиция юзага келди.

Биринчи Америка президенти Джордж Вашингтон даврида давлатнинг ташқи сиёсати муассасини бошқарди. Америка иккинчи президенти Джон Адамс даврида Давлат секретари, кейин Америка тарихида учинчи президент бўлган. Қўшма Штатлар ривожланишида кўрсатган хизматларини олқишлаб Америка халқи уни иккинчи даврга яна президентликка қайта сайлашди. У ҳаётининг охири бўлагида илм-фанга, маърифатга бағишлади. Виргиния университети барпо этилишига асос солди.

Унинг исми билан давлат фуқароларининг ерга эгалик этиш

²⁹ Севастьянов Г.Н., Уткин А.И. Томас Джефферсон. - М.: Мысль. 1976. – С.258.

фаолиятларда, билимлантириш, диний, виждон ва эътиқод эркинлиги, суд қонунчилигидаги демократик реформалар амалга оширилди. Томасс Жефферсон жаҳон тарихига фақат буюк давлат арбоби сифатида эмас балким улуғ сиёсатчи, гуманист-философ, маърифатчи, лингвист, оратор, ботаник, географ, архитектор, этнограф, палеонтолог касбларини мукамал эгаллаган энциклопедик олим сифатида тан олинган.

Кўпчилик тарихчилар Жефферсонни илғор ғоялар манбаси, Америка давлатининг сиёсий қурилишидаги реформатор, АҚШ сиёсий даврасидаги асосий икки партия фаоллари яъни республикачилар ва демократлар уни сиёсат мактаби устуни эканлигини тан олган.

АҚШнинг Принстон университети 1950 йили Томасс Жефферсоннинг меросий меҳнати маҳсулининг 50 томлик адабий нашрини яратди.

Демак, айнан серқирра инсонлиги учун жаҳоннинг кўпчилик биографлари уни Американинг Леонардо да Винчиси деб аташган бўлсалар керак.

Хулоса

Санъат жуда қадим замонларда, меҳнат жараёнининг тараққиёти натижасида пайдо бўлди. Меҳнат жараёнида инсон тафаккури камол топди, гўзаллик ҳисси ортди, воқеликдаги гўзаллик, қулайлик ва фойдалилик тушунчалари кенгайди. Қулдорлик жамияти вужудга келиши билан эса ижтимоий тараққиётда катта ўзгаришлар содир бўлди; ақлий меҳнат жисмоний меҳнатдан ажралиб чиқа бошлади. Бу эса фан ва санъат ривожига муҳим аҳамият касб этди. Профессионал санъат ва санъаткорлар шу даврда пайдо бўлди. Санъат эса ўзининг ўзига хос хусусиятини, қулдорлигини намоён этиб, қулдорликнинг идеологияси тарғиб этувчи кучли ғоявий қуролга айланди. Лекин шунга қарамай, омма орасидан етишиб чиққан истеъдодли ижодкорлар меҳнаткаш халқ оммасининг орзу-истакларини, уларнинг гўзаллик ва худбинлик, олийжаноблик ва инсонпарварлик ҳақидаги тушунчаларини ифода этувчи асарлар яратдилар. Халқнинг турмуши, хулқ ва одатлари, ютуқ ва мағлубиятлари уларнинг асарларида ўз ифодасини топди. Шу билан бир даврда мавжуд бўлган ана шундай санъат ҳаёт гўзалликларини тасвирлаб, одамларда юксак хислат ва фазилатларни камол топтирди, уларни тенглик, озодлик, биродарлик, ёрқин келажакка интилишга даъват этди.

Ҳақиқатдан ҳам инсоният яратиб қолдирган маданий қадриятлар оддий бойликлар бўлиб қолмай, балки ўзида инсон ақл-заковати, ҳаёт тўғрисидаги фикр-ўйларини акс эттирувчи кўзгу ҳамдир. Жаҳон санъати тарихини ўргатиш, унинг тараққиёт қонунларини тушуниш, нодир ёдгорликлар билан танишиш, ўтмиш одамларнинг ҳис-туйғу, ҳаётий тажрибаларини ўрганиш Ғоявий-истетик қарашларнинг шаклланишини билиш демакдир. Бу сўзсиз, кишиларда ҳаётий тажрибаларнинг бойишига, ҳаётга янада кенг ва атрофлича ёндошишга ёрдам беради.

Уйғониш даврида ижодкорлар диний мавзуда ишланган деворий суратларда реалистик мазмунни илгари сура бошладилар. Инсонлар

орасидаги муносабатлар, муҳаббат, олижанобликни, разиллик, худбинликка қарши қўя бошладилар, воқеликнинг реал тасвирини яратишга ҳаракат қилдилар. Уларнинг асарларида Уйғониш даври реализмининг ўзига хос томони ҳаётий муаммоларни кўпинча диний ниқоб остида, диний мифологик образлар орқали бериш ҳолларини учратамиз. Уйғониш даври санъаткорлари ижодида инсонлар ҳаёти, инсон бахт-саодат яратувчиси ва озодлик учун курашчи эканлиги асосий мавзу бўлиб қолди. Инсонни ўз асарларида шундай қуйлаган санъаткорлардан бири, илк Уйғониш даврининг йирик вакили Донателло бўлди. Унинг “Давид” деб номланган ҳайкали Уйғониш даврида биринчи марта либоссиз ҳолда тасвирланган ҳайкал бўлди. “Отдаги Гаттамеллатти” ҳайкали эса жамоатчиликка манзур бўлган инсонни улуғлаш йўлидаги биринчи отлик ҳайкал эди. Инсонни қуйлаш, унинг қаҳрамонлиги, ақл-заковатини улуғлаш Уйғониш даврида портрет санъатининг қайтадан туғилишига олиб келди. Портрет санъатида ифодаланадиган инсондаги нозик ҳис-туйғулар ўзининг бутун борлиғи билан Уйғониш даврининг буюк санъаткорлари Леонардо да Винчи, Рафаэль Санти, Микеланжело, Тициан, Джорджоне ижодида ўз ифодасини топди. Она, оналик меҳри улуғланди. Бу ўринда Леонардо да Винчининг “Мадонна»си ва машҳур “Моно Лиза” портретини, Рафаэль Сантининг “Сикстин Мадоннаси”, Микеланжелонинг ҳайкаллари ва деворий суратларини, Тицианнинг инсон жисмоний гўзаллигини тараннум этувчи полотноларини эслатмай ўтиш мумкин эмас.

Инсонпарварликда натурал фалсафий қарашлар мавжуд бўлган. Инсон ва табиат уйғониш давридаги дунёни англашнинг доимий предмети (ўрганиш доираси) булган. Бу даврда моддий ёки рухий борликдан дунёнинг вужудга келиши масаласи асосий диққат марказда бўлди. Онг ва сезги орқали оламни билиш ғояси XVI асрдаги илғор мутафакирларни тушунчаларини ташкил этди. Бу ғоянинг асосчиларидан бири Леонардо да Винчи бўлиб, у "бизнинг барча билимларимиз сезишдан бошланади" деган. У фан билан ҳаётни яқиндан боғлаш тарафдори булган. "Фан - бу лашкарбоши қўмондон бўлса,

амалиёт эса аскар, солдатдир" деган афоризм ҳам унга тегишлидир. Олам осмон жисмларидан бири бўлган ер - бутун борлиқнинг маркази эмас, деган ғояни ҳам Леонардо да Винчи айтган.

Хулоса қилиб айтганда, 1452-1519 йилларда яшаган флоренциялик Леонардо да Винчи Италиядаги Уйғониш даври маданиятининг энг буюк арбоби эди. Унинг отаси кичкина Винчи шаҳрида нотариус бўлиб ишлаган бўлишига қарамай, Леонардо да Винчи ёшлигидан яхши билим олди. У буюк олим, истеъдодли меъмор, муҳандис, конструктор ва рассом бўлиб етишди. Леонардо 18 ёшдалигида унинг отаси Флоренция республикаси ҳукуматига ишга ўтди. Флоренцияда у ўғлини ҳайкалтарош ва рассом Андреа Веррокога шогирдликка беради. Тарихчи ва санъатшунос Вазарининг ёзишича, Верроко 1476 йили «Исонинг чўқинтирилиши» асарида фаришталардан бирини чизишни шогирди Леонардога топширади. Унинг чизган расмини кўрган Верроко шогирдининг устунлигини тан олиб, сурат чизишдан бутунлай воз кечиб, фақат ҳайкалтарошлик билан шуғуллана бошлаган. Леонардонинг қобилияти ва зеҳнининг шаклланишида унинг оиласи ва қадрдон ўлкаси манзараси асосий омил бўлди. Рассомнинг бизгача етиб келган илк имзоси ўзи туғилиб ўсган Арно водийси чизилган расмда кўйилган.

Леонардонинг дастлабки олган буюртмаси Флоренциядаги Сан-Донато монастирида «Волхвлар таъзими» асари бўлиб, унинг Миланга юборилиши туфайли тугалланмай қолади. Флоренция ҳокими Лоренцо Медичи Леонардони Милан герсоги Людовик Сфорса ҳузурига топшириқ билан юборади. Миланга Леонардо ўзи ясаган янги мусиқа асбоби - лирани олиб боради. Ҳаётининг кейинги 1482-1499 йиллардаги энг унумли даврини у Миланда, герцог саройида ўтказган. Санта Мария Делла Грация монастирида Леонардо ўзининг машҳур «Пинҳоний тановул» расмини чизди. Унинг лойиҳасига биноан Милан шаҳрини ичимлик суви билан таъминлайдиган катта канал қурилганди.

Леонардо да Винчи 1499 йили Миландан Венецияга ва 1503-йили Флоренцияга қайтди. Бу ерда у каналлар, учар аппаратлар лойиҳаларини чизди. Олим, шунингдек, анатомия, геология, гидравлика ва механика соҳаларида илмий тадқиқотлар олиб борди. Худди шу пайтда Леонардо «Мона Лиза» портрети устида иш бошлаган.

Франция қиролининг Ломбардиядаги ноиби Шарл де Амбуаз таклифи билан Леонардо да Винчи 1516 йили Миланга келди. Уни «биринчи рассом, меъмор ва механик» лавозимига тайинлашди. Франция қироли Франсиск I Леонардо учун Амбуазда 3500 олтин экюга Кло Люсе қалъасини олиб берди. Худди шу ерда да Винчи ўз умрининг охирги йилларини ўтказди. Кло Люседа унинг энг буюк асари «Мона Лиза» портрети чизиб тугалланди.

Леонардо да Винчи рассом сифатида суратини чизаётган кишилар ва уларнинг руҳий кечинмаларига ҳаммадан ҳам кўп эътибор берарди. Леонардонинг «Мона Лиза»си («Жаконда») - ёш жувоннинг портрети, ҳозирги кунга қадар санъатнинг шу соҳасидаги энг машҳур асардир. Рассом бу суратда ёш жувоннинг ташқи қиёфасинигина эмас, балки унинг ички дунёсини, кечинмаларини ва кайфиятини ажойиб, сирли тарзда акс эттириб берган. Санъат соҳасидаги мутахассислар ҳозирги кунга қадар «Мона Лиза»нинг сурати кимдан чизилганини устида баҳс қилиб келмоқдалар. Жумладан, машҳур психолог Фрейд Леонардо бу портретда ўз онаси ҳақидаги хотираларини мужассамлаштирган деб фараз қилади. Охирги пайтда компьютер ёрдамида тадқиқотлар олиб борган бир гуруҳ санъатшунослар портретда Леонардо ўзининг расмини чизган деган фаразни ҳам айтишди.

Леонардо да Винчи 1519 йилининг 2 май кунида вафот этди. Айтишларича, у ўлими арафасида ёнида бўлган Франция қироли Франсиск II га одамлар учун жуда кам хизмат қилганини айтиб узр сўраган.

Хулоса қиладиган бўлсак, Леонардо да Винчи машҳур рассом, ҳайкалтарош ва архитектор бўлган. Шунингдек, у ажойиб инженер,

математик ва анатом ҳам эди.

У расм чизар, ихтиролар қилар, асбоблар яратарди. Ундан 7 минг саҳифага яқин хотира дафтарлари ва қўлёзмалар қолган. Ҳозиргача улар тўлиқ ҳолатда ўрганиб чиқилмаган.

Тадқиқотчилар Леонардо да Винчи қўлёзмаларининг ичидан учиш аппаратлари, парашют, сув ости кемаси, автомат тўқув станогии, вертолёт каби ажойиб нарсаларнинг лойиҳаларини топдилар. Бир неча юз йиллардан сўнг буларнинг барчаси олим-ихтирочилар томонидан қайтадан ихтиро этилди. Шунингдек, унинг каналлар, металлургия печлари ва прокат станлари, босма ва ер ковлаш машиналари бўйича чизган лойиҳаларини ҳам топишди. Самолёт пайдо бўлмасидан юз йиллар аввал Леонардо да Винчи қушни эслатувчи учиш апаратыни ҳам яратди.

Бироқ ўша давр техникасининг паст даражаси туфайли Леонардо да Винчи ижодий ниятларини амалга ошира олмади.

Лекин рассом - Леонардо да Винчининг асарларига анчагина бахтли тақдир насиб этди. У яратган картиналар ва сон-саноксиз расмлардан замондошлари ҳам, уларнинг узоқ авлодлари ҳам завқланишган. Хатто ҳозирги кунда ҳам рассомнинг жуда бўлмаганда биргина асарини томоша қилиш учун кишилар соатлаб навбат кутишадилар.

Уйғониш даврининг буюк санъаткорлари одамларни ҳозирги кунга қадар қойил қолдираётган нодир асарларни яратдилар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон. 1997.
2. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. - Тошкент: Шарқ. 1998.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. - Т.: Ўзбекистон. 2011.
4. Абдуллаев Н. Санъат тарихи. - Т.: Ўқитувчи. 1986.
5. Алпатов М.В. Всемирная история искусств. Т 2-3. - М.: 1955.
6. Алпатов М.В. Художественные проблемы итальянского Возрождения. - М.: 1975.
7. Всемирная история. В 10 т., Т. 4. - М.: Соцэкономлит. 1958.
8. Всеобщая история искусств. - М.: 1960.
9. История искусства зарубежных стран. - М.: 1963.
10. История искусства зарубежных стран: Средние века и Возрождение - М.: Изобразительное искусство. 1982.
11. История искусства зарубежных стран 17-18 веков - М.: Изобразительное искусство. 1988.
12. История средних веков. В 2 т., Т. 2. М.: Высшая школа. 1991.
13. Калпинский Ю.Д. Искусство. - М.: 1957.
14. Культура эпохи Возрождения и Реформация. - Л.: Наука. 1981.
15. Любимов Л. Искусство Западной Европы. - М.: 1982.
16. Мережковский Д.С. Воскресшие боги: Леонардо да Винчи. - М.: Художественная литература. 1990.
17. Неру Дж. Взгляд на всемирную историю. - М.: Прогресс. 1989.
18. Нессильштраус Ц.Г. История зарубежного искусства. - М.: 1982.
19. Ротенберг Е.И. Искусство Италии эпохи Возрождения. - М.:

1974.

20. Севастьянов Г.Н., Уткин А.И. Томас Джефферсон. - М.: Мысль. 1976.

21. Типология и периодизация культуры Возрождения. - М.: 1987.

INTERNET сайтлари:

1. [http: // www. hss. cmu. edu/history](http://www.hss.cmu.edu/history)
2. [http: // www. ukans.edu/history/vl/](http://www.ukans.edu/history/vl/)
3. [http: // www. lib.muohio.edu/inet/subj/history/wwii/index.hrml](http://www.lib.muohio.edu/inet/subj/history/wwii/index.hrml)
4. [http: // www. history.ru](http://www.history.ru)
5. [http: // www. eu.spb.ru/history/index.htm.](http://www.eu.spb.ru/history/index.htm)